

ХР

Боқий фикр

Ил ичра менга  
то бўлди мадҳал,  
Топилмас  
мушқуле мен  
қилмаган ҳал.

Алишер НАВОИЙ



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2013-yil 23-mart, shanba № 24 (8569)

## МУСОБАҚА ДАРСЛАРИ – ФАОЛЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Юнусобод туманидаги 258-умумтаълим мактабининг инглиз тили ўқитувчиси Феруза Раҳматова болалар билан дўстона мулоқот уюштиришга одатланган. Шунингдек, дарсларда мавзуга оид кўргазмаларни қўроллар ва электрон воситалардан фойдаланиб ўқувчиларга миллий анъана ва қадриятларимиз асосида таълим-тарбия беришга интилади. Педагог навбатдаги машғулотда 5-синф ўқувчиларига "Wild animals" ("Ёввойи ҳайвонлар") мавзусини тушунтираркан, дастлаб "Ким чаққон?" ўйини орқали болаларнинг фикрини жамлаб олди.

— Чет тилларини ўқитишда ўқувчиларнинг ёшига мос турли интерфаол усуллардан фойдаланаман, — дейди муаллима. — Кўпинча уларни гуруҳларга ажратиб, мавзу доирасида мусобақа ташкил этиб тураман. Бу боланинг ижодий қобилиятини ошириб, мустақил фикрлашига, синфдаги барча ўқувчиларни фаоллаштиришга ёрдам беради.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат



## САРВИНОЗНИНГ ПАРВОЗИ

унга яратилаётган кенг имкониятлар, оилавий муҳит қанот бўлмоқда

*Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti sovrindorlari*



Мамлакатимизда ёшларнинг ўз истеъдодини намойиш этишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Шу боис улар ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол вояга етиш билан бирга, халқаро мусобақаларда иштирок этиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. Айниқса, хотин-қизлар спортининг ривожланиб бораётгани барчани қувонтириши табиий.

Ана шундай изланувчан ва интилувчан спортчи қизлардан бири Ангор туманидаги педагогика коллежининг 3-босқич ўқувчиси Сарвиноз Шайдуллаевадир. У коллежда аъло баҳоларга ўқиш, касб-хунар сирларини ўрганиш билан бир қаторда, спорт билан мунтазам шуғулланиб келади. Туман марказидаги комбат айкидо машғулотларига мунтазам қатнашиб, маҳоратини оширди, иродасини чархлади. Устоз-мураббийларидан олган билимлари унга кураш майдонларида қўл келди, у вилоят, республика ва халқаро миқёсдаги беллашувларда 2008 йилдан буён кетма-кет муваффақиятларга эришиб келмоқда. Комбат айкидо бўйича Осиё чемпиони.

(Давоми 2-бетда.)

### «БОЛАМ ҲАР КУНИ ДОСКАГА ЧИҚСИН!»

дейди ота-оналар. Аммо 45 дақиқада барча ўқувчини баҳолаб бўладими?

Болани назоратсиз таълим-тарбия бериш мушкул. Бирок дарс вақти чекланган — 45 дақиқа. Бу фурсатда барча ўқувчининг билимини баҳолаб, янги мавзунини ҳам тушунтириш мумкинми? Ҳар бир ўқувчини кунлик баҳолашнинг иложи борми?



3

### КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ БИТИРУВЧИСИ

чет тилларни қай даражада билиши керак?

2013-2014 ўқув йилидан ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги чет тиллар дарслари микдори 70 соатга кўпайтирилиши кутилмоқда. Табиийки, ушбу фан ўқитувчиларига талаб ортади. Марказ томонидан академик лицей ҳамда касб-хунар коллежлари учун келгуси уч йилдаги чет тиллар ўқитувчиларига эҳтиёж ўрганилиб, бу борада ҳам чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

7

### КЎҲНА ШАҲАРДА УНИВЕРСИАДА ШУКУҲИ

у барчани янгилаш ва яратишга ундамоқда



Бу галги Универсиада ўйинларида кураш, белбоғли кураш ва дзюдо беллашувларида вазн тоифалари учтага кўпайтирилади ва жами 7тага етади.

15

## САРВИНОЗНИНГ ПАРВОЗИ

унга яратилаётган кенг имкониятлар, оилавий муҳит канот бўлмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Сарвиноз шу йилнинг ноябрь ойида Франциянинг Париж шаҳрида ўтказилган жаҳон кубоги мусобақасидан юртимизга кумуш медаль билан қайтди, — дейди ўз шогирдининг камолидан мамнун бўлган устози Асқарали Ёқубов. — Бундан ташқари, у 2012 йилнинг апрель ойида Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган «Халқаро комбат айкидо» бўйича Евроосиё VI Олимпиада кубоги чемпионатида I даражали ва 2та III даражали дипломни қўлга киритди. Сарвиноз машгулотларга мунтазам қатнашиш, ўз мақсади сари дадил интилишдан эринмайди. Бирор муваффақиятга эришса, шу билан ҳаволалиб кетмайди. Аксинча, ўз олдига янги марраларни кўрқмасдан қўйиб, унга эришиш йўлида тинмай ҳаракат қилади.

Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Сарвиноз Шайдуллаева бугунга қадар жами 45та медаль жамғарди. Уларнинг 24таси олтин, 10таси кумуш ҳамда 11таси бронза медалидир. Шунингдек, уч марта мамлакат кубогига эга бўлган.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, Сарвиноз 16 ёшидаёқ I ДАН қора белбоғ соҳибаси бўлди. 17 ёшида эса Евроосиёдаги муваффақияти орқали уни дунё таниди. 9 қарра Ўзбе-

кистон чемпиони деган номга сазовор бўлган спортчимиз 2012 йилнинг 14 июлидан «Халқаро комбат айкидо» ассоциацияси мураббийси сифатида тан олинди.

Ёшлигида самбо билан шуғулланган миришкор-боғбон Жуманазар Массиев ҳамда тумандаги 3-ихтисослаштирилган мактабнинг бошланғич таълим ўқитувчиси Олия Чориева оиласида туғилган Сарвиноз учун жорий йил ҳам кутлуғ қадам билан келди. У 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида спортда эришган ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

— Болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун, аввало, оилада барча шароит яратилиши керак, — дейди Сарвиноз Шайдуллаева. — Шукрки, бизнинг оиламизда ҳам спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга доим масъулият билан ёндашилади. Онам энгил атлетика бўйича Ўзбекистон чемпиони, сингилларим ҳам спорт билан шуғулланишади. Укам Мирзаолим ҳам комбат айкидо бўйича мамлакатимиз чемпионати совриндори. Ўтган йили «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» республика мусобақаси финалида қатнашдик.

Н.ТЎРАЕВ

И.ТЎРАЕВ олган сурат.

## ТАЖРИБА АЛМАШИЛДИ

Косон туманидаги 94-мактабда вилоятдаги умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари иштирокида «Ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ўстиришда педагогик технологияларнинг самараси» мавзусида амалий-услубий семинар бўлиб ўтди.

Семинар қатнашчилари педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил этилган очик дарсларни кузатиб, таҳлил этишди.

Семинарда «Ўқувчиларнинг билим самарадорлигини оширишда АКТ ва замонавий педагогик технологияларнинг самараси», «Ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ўстиришда педагогик технологияларнинг аҳамияти» мавзуларида маърузалар тингланди.

### Seminar

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,  
«Ma'rifat» мухбири

Танлов мавзуси: «Обод турмуш йили» Давлат дастурини амалга оширишда ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлашга, бандлигини оширишга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, аҳоли турли қатламларига манзилли ижтимоий кўмак кўрсатишга йўналтирилган бошқа ижтимоий аҳамиятга эга дастурларни бажаришда ННТ ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўзаро ижтимоий шериклигини кучайтириш.

Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қўйидаги йўналишлардаги лойиҳалари қўриб чиқиш учун қабул қилинади:

— аёллар ва ёшларни, ёш оилаларни, имконияти чекланган фуқароларнинг ҳамда аҳолининг кўмакка муҳтож бошқа қатламларини ижтимоий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш;

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— аёллар ва ёшларнинг ижтимоий-хуқуқий ҳимоя қилинишини, реабилитациясини, бандлигини таъминлашни янада кучайтириш, мамлакатимиз ҳудудларида ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш;

— аҳолига янги иш ўринлари яратиш ва ишга жойлаштиришга ёрдам кўрсатиш;

— ҳудудларимизда, айниқса, узоқ қишлоқ ҳудудларида, оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик ва халқ ҳунармандчилигини, тадбиркорлик фаолиятининг бошқа шакллари ривожлантиришга янада кўмаклашиш;

— аёллар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, узоқ туманлар ва қишлоқ ҳудудларида уларнинг касбий таълими сифатини яхшилаш;

— жамиятимизнинг маънавий асосларини янада ривожлантиришда оиланинг роли ва аҳамиятини оширишга, жамиятимизда азалий миллий қадриятларимиз ва аънаналаримизни, одоб-ахлоқ тамойиллари ва соғлом турмуш тарзини янада мустаҳкамлашнига кўмаклашиш;

— аҳолининг хуқуқий онгини шакллантириш, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини ошириш.

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Жамоат фонди номига грант лойиҳаси тақдим этилаётганлиги ҳақидаги қузатув хати.

## ТИЛ ЎРГАТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Юртимизда чет тилларни ўрганишга қизиқиш тобора ошиб, таълим муассасаларида ўғил-қизларга ушбу фан сабоқлари янада чуқурлаштирилган ҳолда ўтилмоқда.

### Anjuman

Нафақат таълим тизими, балки ҳаётимизнинг барча соҳаларида бу борадаги саъй-ҳаракатларни ривожлантириш, айниқса, ёшларимизнинг хорижий тилларга қизиқишини оширишда Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўл-

моқда. Қарорнинг амалий ихроси жойлардаги таълим муассасаларида ўз ифодасини топаёпти.

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида «Таълим тизимида чет тилларни ўргатишнинг долзарб масалалари» мавзусида ўтказилган илмий-амалий конференцияда хорижий

тилни ўргатиш ва ўрганиш масалалари атрофида таҳлил этилди.

Илмий-амалий анжуманининг ялпи мажлисидан сўнг баҳс-мунозаралар шўббаларда давом эттирилди. Хар бир маъруза ўзининг янгилиги ва долзарблиги билан аҳамиятли бўлди.

Илья ДИЛЬМАНОВ,  
журналист.

## ИЛМИЙ ИШЛАНМАЛАР — АМАЛИЁТГА

Самарқанд давлат университети қошидаги 1-академик лицейда VI Республика инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасининг ҳудудий кўргазмаси бўлиб ўтди.

### Ko'rgazma

Кўргазмада Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Бухоро, Навоий вилоятлари ҳамда Самарқанддаги олий таълим муассасалари ва ташкилотлар иштирок этди.

— Кўргазмада кичик қувватли электр истеъмолчилари учун фотоэлектрик қуёш генераторини тақдим этдик, — дейди Гулистон давлат университети талабаси Илём Мувитхонов. — Тавсия этилаётган курилма ярим ўтказгичли кремний фотоэлементлари асосида яратилган электр манбаи бўлиб, ҳеч бир қўшимча оралиқ ускуналар ишлатилмаган ҳолда қуёш нуруларини тўғридан-тўғри электр энергиясига айлантириб бера олади. Иш жараёнида органик ёқилгилар ишлатилмайди, атроф-муҳитнинг экологик ҳолатига таъсир қўрсатмайди.

Кўргазма доирасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси,

Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари ҳамда бошқа идоралар тасаруфига 30дан ортиқ илмий тадқиқот, олий таълим ва тажриба конструкторлик ташкилотларининг жаҳон андозаларига мос илмий ишланмалари намойиш этилди.

— Кўргазмага касб-хунар коллежлари, академик лицей ва умумтаълим мактаблари ўқув жараёнларида фойдаланиш учун яратилган қуёш батареясини олиб келдик, — дейди ТАТУнинг Самарқанд филиали катта ўқитувчиси Курбон Мухторов. — Бугун таълим жараёнида назария ва амалиётнинг уйғунлиги муҳим аҳамият касб этади. Ушбу батареялар орқали ўзв-лаборатория жиҳозларини бемалол ишлатиш мумкин.

Ҳаким ЖЎРАЕВ,  
«Ma'rifat» мухбири

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиши мумкин.

Ҳужжатлар эълон оммавий ахборот воситаларида чоп қилинган кундан бошлаб 2013 йил 22 апрель соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (A4 формат): 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳқўчаси, 1-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundgo.uz расмий сайтыда танишиш мумкин.

Маълумот учун телефон рақамлари: 239-26-76, 239-26-64.



Ўқитувчимиз, кўпчилик маҳалладошларимиз фарзандларига дарс берганмиз. Деярли ҳаммаси таниш. Кўча-кўйда дуч келиб қолганда, албатта сўрашиб ўтишга тўғри келади. Кўпинча бундай мулоқотлар ўғил-қизларнинг фанини ўзлаштириши, одоб-ахлоқи борасидаги муҳокамаларга улашиб кетади. Ота-оналар фарзанди мактабда қандай ўқиётгани, тенгқурларидан ортда қолиш-қолмаслигини билишни хоҳлайди-да. Аксарияти суҳбат асносида: «Илтимос, боламини ҳар куни доскага чиқаринг, вазифаларни мунтазам сўраб боринг», дейишни қанда қилмайди...

## «БОЛАМ ҲАР КУНИ ДОСКАГА ЧИҚСИН!»

дейди ота-оналар. Аммо 45 дақиқада барча ўқувчини баҳолаб бўладими?

Аслида, касбимиз ҳам шуни тақозо этади. Болага назоратсиз таълим-тарбия бериш мушкул. Бироқ дарс вақти чекланган — 45 дақиқа. Бу фурсатда барча ўқувчининг билимини баҳолаб, янги мавзунини ҳам тушунириш мумкинми? Ҳар бир ўқувчини кунлик баҳолашнинг иложи борми?

Мени бу савол анчадан бери ўйлантириб келарди. Шу сабабли масаланинг ечимини топиш мақсадида машгулотларни аниқ регламент асосида ташкил этишга ҳаракат қилдим. Дарсга тайёрланиш ва дарс жараёнини қисмларга бўлиб чиқдим.

**1. Дарсга тайёргарлик жараёни.** Айтиш жоизки, ўқитувчи дарсга киришдан олдин синфдаги 28—30 (бир кунда ўртача 5 соат дарс ўтса, 150) ўқувчи нигоҳида туришини ва ҳар куни юзларча ота-она назоратида, муҳокамасида бўлишини руҳан ҳис этиши, шу масъулият билан синф остонасидан ҳатлаши лозим.

Машгулотлар самарадорлиги ўқитувчи ва ўқувчининг тайёргарлигига ҳар жиҳатдан боғлиқ. Шу боис биринчи дарсингиздаёқ машгулотларда доимий равишда керак бўладиган жиҳозлар билан ўқувчиларни таништириб, ёзув дафтариининг 1-

бетига ёздириб қўйинг. Масалан: доска, бўр, латта, дарслик, ёзув ва луғат дафтари, ручка, махсус қоғозчалар, фломастер, харита ва бошқалар. Шунингдек, ўқувчиларни дарслик муаллифлари билан таништиришни ҳам унутмаслик жоиз.

**2. Дастлабки 3 дақиқа ташкилий қисм — саломлашиш, синф ҳолати билан танишиш ва ҳоказо.** Кейинги 42 дақиқанинг қизиқарли ва фойдали ўтиши шу фурсатни қандай ташкил этишга боғлиқ. Яъни, ўқувчилар педагогни бевосита у уюштирган қизиқарли ўйин ва бошқа омиллар ёрдамида қайтадан кашф этади. Ёқимли-шеър, шиор, кўшиқ ёки ибратли фикр уларга кўтаринкилик бағишлаб, дарсга қизиқшини оширади. Бу борада ўзим ёзган кўйидаги шеърни тавсия этишим мумкин:

*Бир, икки, уч, бошлаймиз,  
Билим олишга шаймиз!  
Куч ва қудрат — илмимизда,  
Дунё бизнинг кўлимизда!*

**3. Кейинги 20 дақиқа уй вазифасини баҳолаш қисми.** Синфда ўқувчиларни ўтирган қаторлари бўйича 1-, 2-, 3- ёки ўнг, сўл, ўрта гуруҳларга бўлиб олдим. Ортиқча вақт олмаслиги учун болаларни дарс

бошлангунга қадар уч гуруҳнинг кундалигини столим устида алоҳида-алоҳида тегириб қўйишга одатлантирдим. Дастлаб, гуруҳлардан биттадан ўқувчини доскага чиқариб, режа асосида уй вазифасини сўраб баҳолайман, сўнг гуруҳлар билан ишлашга киришаман.

Китоб-дафтарларни ёпиб, 1-гуруҳга ўтилган мавзу юзасидан тезкор жавоб талаб қиладиган 3та оддий савол бераман. Болалар жавобни махсус қоғозчаларга ёзиб, кўтаради. Ҳар бир саволга уч секунддан вақт ажаратилиб, жавобни санаш эса биринчи қоғозча кўтарилгандан сўнг бошланади. Белгиланган вақтдан орқада қолганларнинг жавоби ҳисобга олинмайди. Чунки кимдандир кўчирган бўлиши мумкин (3та саволга тўғри жавоб берганлар 5, 2та саволга жавоб берганлар 4, 1та саволга жавоб берганлар 3 балл билан баҳоланади, шу заҳоти кундаликка қайд этилади).

Вақтдан ютиш учун кейинги гуруҳга савол беришдан аввал баҳоланган қаторга янги мавзу режасини ёзиб туришни топшираман. Дарсни шу зайлда давом эттириб, 20 дақиқада ҳамма ўқувчини баҳолашга эриш-



Tajriba

дим. Бу борада ноҳолисликка йўл қўймаслик учун қониқарсиз натижа кўрсатган ўқувчиларга қўшимча имкониятлар бериш мумкин. Масалан, харита билан ишлаш машқи жуда қулай ва фойдали. Бироқ харитадан савол бераётганда давлат ёки жой номини тўғридан-тўғри айтиш эмас, балки мантикий савол қўйиш мақсадга мувофиқ. Айтايлик:

«Бузоқлар ўлкаси» деб айтиладиган ҳудуд...»

Жавоб: Италия. Ўқувчи мамлакатни харитадан кўрсатади.

Шахсий тажрибамда ушбу метод яхши самара бериб, ўқувчиларни тезкор фикрлашга, ҳар кунги мавзуларни мунтазам ўқиб боришга ундамоқда.

**4. Иккинчи 20 дақиқа янги мавзунини тушуниришга йўналтирилади.**

**5. Қолган 2 дақиқа**

**дарсни мустаҳкамлашга бағишланади** ва машгулотни мазмунан қуйидагидек шеър ёки бошқа ўзига хос услубда тугатишга интиламан:

*Маърифат масканидан,  
Билим олмай қайтмайди.  
Ватан равнақи учун,  
Куч сарфлашга биз*

*шаймиз!*

Мухтасар айтганда, қайси услубдан фойдаланмайлик, мақсадимиз самарали ва сифатли дарс ўтишдан иборат. Педагогикада эса аниқ математик формулалар каби ҳар қандай ҳолатда ҳам бир хил натижага олиб келадиган ягона услуб йўқ. Шундай экан, таълим жараёни биздан мунтазам изланиш ва ижодкорликни талаб этади.

**Хушвақт ЖУМАЕВА,**  
Қарши туманидаги  
25-умумтаълим  
мактабининг тарих  
фани ўқитувчиси

## ЁШЛАР БАНДЛИГИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА



**Бухоро шаҳридаги тиббиёт коллежида ҳамширалик, даволаш, фармация, лаборатория диагностикаси, тиббий профилактика каби йўналишларда мутахассислар тайёрланади.**

Коллежда ҳар бир ўқувчининг соҳага доир билим ва кўникмалари пухта таълим ва самарали амалиёт узвийлигида мустаҳкамланмоқда. Бунда 165 малакали ўқитувчининг назарий-амалий машгулотлари илғор педагогик усулларда, кўргазмали воситалар ёрдамида ташкил этаётган муҳим аҳамият касб этаётир. Аини кунларда 852 битирувчини келгусида бандлигини таъминлаш мақсадида даволаш профилактика ва эпидемиология муассасалари, дорихоналар, бошқа тегишли ташкилот ва корхоналар билан уч томонлама шартномалар тузиш ишлари олиб борилаётир.

**Суратда: коллеж ўқувчилари Зарнигор Рўзиева, Дилноз Курбонова, Наргиза Сатторова.**

Тоҳир ИСТАТОВ  
(ЎЗА) олган сурат.

## Yangiliklarda yurt nafasi



### ✦ Поётахтимиздаги 22-Меҳрибонлик уйида Наврўз байрамига бағишланган хайрия ярмаркаси бўлиб ўтди.

Ярмаркада сотувга қўйилган барча сувенир ва қандалатчилик маҳсулотлари Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари томонидан тайёрланган.

— Тарбияланувчиларимиз ярмаркадан тушган маблағни бошқа меҳрибонлик уйларидаги ногирон болаларга беришни ният қилганлар, — дейди А.Хлебущкина номидаги 22-меҳрибонлик уйи директори Ш.Бердиева. — Айрим ишларни хомийларимизга совға қилдик. Уларнинг ёрдамида муассасанинг барча бичма тўлик реконструкция қилиниб, бешта янги бино, сунъий қопламали футбол майдони барпо этилди. Янги спорт жиҳозлари ва мебеллар, ўқув заллари ва дам олиш хоналари учун техника воситалари сотиб олинди.

Болалар ҳам мана шундай хайрли ишлардан ибрат олган ҳолда воёга етмоқда. 12 ёшли Дилором Турдиева нина ва илдан моҳирона фойдаланган ҳолда тайёрланган чойнак тағига қўядиган буюмни кўргазмага тақдим қилди. Бу ерда, шунингдек, кулоччилик буюмлари ва матодан ясалган қўғирчоқлар, турли қопталар, кашта билан безатилган елпигичлар, турли ширинликлар намойиш этилди.

### ✦ Фарғона вилоятида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлги доирасида «Қамолот» боғи барпо этилди

Мазкур ойллик ҳамда «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида белгиланган чора-тадбирларга асосан шаҳар ва туманларда 3 миллион туп манзарали ва 500 минг туп мевали дарахт кўчатлари, 2 миллион туп гул ҳамда буталар экиш ишлари қизиган давом этимоқда. Қўзон ва Фарғонада янги ўрмон майдонлари барпо этилмоқда. Таълим муассасаларида «Эккан ниҳолим билан улғаяман» шиори остида тадбирлар ўтказилмоқда.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашидан олинган маълумотларга кўра, ҳаракатнинг туман ва шаҳар бўлимлари томонидан бир қатор акциялар ўтказилмоқда. Жумладан, Қувасой шаҳрида «Ҳар бир ёшга — бир ниҳол» лойиҳаси барчада қизиқиш уйғотди. Лойиҳа доирасида шаҳарда Ёшлар боғи ташкил этилиб, 3 минг тупдан зиёд манзарали ва мевали кўчатлар ўтқазилди. Айни кунда Фарғона туманидаги «Отчопар» уйингоҳи худудида ҳам фарғоналик ёшлар ташаббуси билан янги боғ барпо этилаётган.

### ✦ «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди томонидан Тошкент шаҳрининг 100-мактаб-интернат ўқувчилари учун тасвирий санъат бўйича маҳорат сабоқлари ўтказилди.

Тошкент шаҳридаги 100-мактаб-интернатда таянч-ҳаракат аъзолари шикастланган болалар муолажа ва таҳсил олади. Бу ерда болаларнинг тўлақонли таълим олиши, миллий анъана ва қадриятларимизга содиқлик руҳида тарбияланиши учун зарур қўлайликлар мавжуд. Мактаб ўқувчилари томонидан чизилган расмлар «Мафтунок ранглар дунёси», «Қамалак жилоси» каби республика кўрик-танловларида, болалар ижодиётига оид бадий кўргазмаларда кенг намойиш этилади.

«Ўзбекистонда инклюзив таълим» лойиҳаси доирасида Қамолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари иштирокида ўтказилган маҳорат сабоқларида юртимиз тасвирий санъатига оид янгиликлар ҳақида атрафли маълумот берилди. Машғулот катнашчилари томонидан баҳор, Наврўз, миллий анъаналарни асраб-авайлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига бағишланган туркум расмлар ишланди.

### ✦ Тошкент Фотосуратлар уйида «Ассалом, Наврўз!» деб номланган фотокўргазма очилди.

Баҳор байрамига бағишланган «Ассалом, Наврўз!» мавзусидаги бадий фотокўргазмадан кўзланган асосий мақсад миллий анъана ва қадриятларимизнинг бардавомлигини сақлаш йўлидаги эзгу ишлар мазмун-моҳиятини фотография санъати орқали илҳомчиларга етказиш, фотомусабирларнинг яшариш ва янгилаш байрамга бағишлаб ишлаган суратлари билан томошабинларни яқиндан таништиришдан иборатдир.

Кўргазмада Абдугани Жумаев, Константин Минайченко, Рустам Шарипов, Владимир Шлосберг, Султонбой Деҳқонов, Сарвар Ўрмонов, Аъло Абдуллаев, Муҳаммад Аммин, Жамшид Норқобилов, Хотам Мамадалиев сингари моҳир фотоусталар билан бирга ёш фотожодкорларнинг ижодий ишлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

Кўргазма экспозициясидан ўрин олган суратларда жонажон Ватанимиз табиати манзаралари, тинч ва осойишта ҳаётимиз, обод ва фаровон шаҳару қишлоқларимиз, тўкин бозорлар, меҳнатсевар ҳамюртларимиз киёфаси фотографиянинг турли жанр ва йўналишларида акс эттирилган.

**ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.**

## Инглиз тили курслари

Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги 6-ҳамда 10-умумтаълим мактабларида барча фан ўқитувчиларининг инглиз тилидан саводхонлигини ошириш мақсадида икки ойллик ўқув курслари ташкил этилди.

Март-апрель ойларида ўтказилиши режалаштирилган ўқувларни тажрибали ва маҳоратли чет тили фани ўқитувчилари олиб бормоқда. Машғулотлар педагогларнинг оғзаки ва ёзма саводхонлигини ошириш учун қизиқarli методлар ёрдамида, мулоқот тарзида ташкил этилаётган.

— Бундай амалий машғулотлар муаллимларнинг ҳамкорликда ишлаши, ўз мутахассислиги бўйича чет тилини чуқурроқ ўрганишига замин яратади, — дейди Дўстлик иқтисодиёт коллежининг инглиз тили фани ўқитувчиси Абдурахмон Шукуров. — Педагогларнинг хорижий тилларни мукаммал билиши эса таълим самарадорлигини оширади.

**Назокат МУҲАММАДИЕВА,**  
6-умумтаълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси

## Аёл борки, ободир турмуш

Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида «Обод турмуш йилида аёлнинг ўрни» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Тадбир доирасида ўтказилган мусобақада институт ўқитувчилари 5та шарт бўйича беллашдилар. Иштирокчилар видеолар, слайдлардан фойдаланиб, аёлнинг оила, жамият ва тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятини кўрсатиб бердилар.

— Юртимизда хотин-қизларга алоҳида эътибор берилиб, ҳар соҳада фаол меҳнат қилиши учун барча имконият-

лар яратилди, — дейди институт катта ўқитувчиси Зухра Файзиева. — Бугунги тадбирда Саодат Шермухамедова,

Феруза Муҳамедова, Гулноза Иргашева, Шаҳноза Восқилова, Шаҳноза Султонова каби фаол ўқитувчиларимиз бир неча йўналишда ўзаро беллашиб, гоилик учун курашди. Иштирокчилар ўзларига берилган, қисқа фурсат ичида саволларга аниқ ва лўнда жавоб беришди.

**Гулюз ОРИФЖОНОВА,**  
«Ma'rifat» мухбири

## Янги спектакль тақдимоти

Ўзбек Миллий академик драма театрида таникли драматург Абдуқаҳҳор Иброҳимов пьесаси асосидаги янги спектакль тақдимоти бўлиб ўтди.

«Сенга бир гап айтаман» деб номланган сахна асари Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг «Ўзбектеатр» бирлашмаси қошидаги бадий кенгаш томонидан республика театрларида намойиш этиш тавсия қилинган.

Бугунги кун нафаси акс этган, маънавият

инсон мавжудлигининг мезони экани таъкидланган спектаклни режиссер Гулрух Нажидова сахналаштирган. Ролларни Ўзбекистон халқ артистлари Теша Мўминов, Саидкомил Умаров, Дилбар Икромова, Эркин Комилов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Тоҳир Саидов, Фатхулла Масъудов, Феруза Бобоевора, Нодира Махмудова, Мадина Мухторова, актриса Дилноза Кубаева ва бошқалар ижро этган.

**МУХБИРИМИЗ**

## Дилларга тўтиё, Наврўз!

Баҳорнинг бу гўзал айёми Учтепа туманидаги 312-мактабда ҳам кўтаринки кайфиятда кутиб олинди. Тадбирга ташриф буюрган меҳмонлар — маҳалла фаоллари, ота-оналар, таникли санъаткорларнинг ушбу айём хусусияти хақидаги фикрлари ўқувчилар қалбидан чуқур жой олди.



— Байрамни кўтаринки кайфиятда нишонлаш ёшларнинг миллий қадриятларга ҳурматини янада оширади, — дейди мактаб директори Озода Ҳайдарова. — Шу боис ўқувчиларнинг унга ҳозирлик кўриши учун барча шароитларни яратиб бердик. Болалар томонидан ижро этилган баҳорий куй-қўшиқ ва рақсларда ана шу кўтаринкилик балкиб турди.

Болажонларнинг турли касб эгаларини акс эттирган, баҳор удумлари тасвирланган сахна кўринишлари кечача ўзгача шуқуқ бағишлади.

**Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.**

## «Баҳор»даги байрам

Мирзо Улуғбек туманидаги «Баҳор» маҳалласида ҳам Наврўз айёми ўзига хос тарзда нишонланди.

Маҳалла худудидаги таълим муассасалари бадий жамоаларнинг куй-қўшиқлари, бадий чиқишлари билан бoshланган шодийна 49-умумтаълим мактаби, ТАТУ қошидаги академик лицейи, «Баркамол авлод» болалар маркази ҳамда геодезия ва картография касб-ҳунар коллежи ўқувчи-ёшларининг мил-

лий қадриятлар борасидаги ўзаро беллашувларига уланиб кетди.

— Маҳалламизда жойлашган 49-умумтаълим мактабининг «Ороста қизлар» клуби аъзоларининг кўргазмали чиқишлари барчага маъқул бўлди, — дейди маҳалла хотин-қизлар кўмитаси раиси Муяссар Раҳимжова.

нова. — Фарзандларимиз ижро этаётган миллий ашула ва рақсларни томоша қилиб завқ олди.

Мирзо Улуғбек туманидаги «Баркамол авлод» болалар маркази услубчиси Лола Зайниддинова марказда 32та тўғарак фаолияти йўлга қўйилгани ва бугунги тадбирда ана шу тўғарак аъзолари ҳам фаол иштирок этганини таъкидлаб ўтди.

**Ш.БОЙМУРОДОВА**

## Қадриятлар қадрланди

Юнусобод туманидаги 239-умумтаълим мактабида Наврўзга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ходимлари, ўқитувчилар ҳамда ота-оналар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Наврўз байрамининг тарихи, миллий қадриятларимиз, уйинларимиз, урф-одатларимиз ҳамда халқ оғза-

ки ижодининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти хусусида фикр билдирдилар.

— Ўқувчиларимизнинг миллий либосларимизда лапар, қўшиқ, мақол ва маталлар айтишгани йилгиланларга манзур бўлди, — дейди тадбир ташкилотчиси Валида Абдурахимова. — Қадриятларимизни қадрлаб улғайиб бораётган фарзандларимиз обод турмуш ва мустақкам оила тушунчаларини теран

**Tadbir**

**англаб етмоқдалар.**

**МУХБИРИМИЗ**



Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти меъморчилик ва қурилиш соҳаси бўйича минтақада нуфузли олий ўқув юрти ҳисобланади. Ҳозирги кунда мазкур олий таълим муассасасида талабалар 23 йўналиш бўйича бакалаврият босқичида таҳсил олишмоқда. 2012 йилдан 11 мутахассислик бўйича магистратура, 11та ихтисослик бўйича илмий тадқиқотчилар, 2013 йилдан эса 8та йўналиш бўйича катта илмий ходим-изланувчилар институтида фаолият кўрсатишмоқда. Айни пайтда олий таълим муассасасида 4 факультет, 26 кафедрада 328 профессор-ўқитувчи, жумладан 2 нафар Шарқ мамлакатлари архитектура академияси мухбир аъзоси, 16 нафар фан доктори, профессор, 134 нафар фан номзоди, доцент сабоқ бериш билан бирга, илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Илмий изланишларни амалга ошириш учун бта илмий-тадқиқот лабораторияси, 1та марказ ва 1та мажмуа ташкил этилган. Илмий лабораторияларда иморатсозликнинг Ўзбекистон шароитидаги амтарабон металллар, темир-бетон қобиклар ва фазовий қурилмалар бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бино-иншоотлар қурилмалари ва қисмларини синовдан ўтказиш, экология, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, оқова сувларни тозалаш усулларини ихтиро қилиш, замин ва пойдевор муаммоларини ҳал этиш, чиқиндилардан замонавий қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини аниқлаш мақсадида янги геодезик усуллари яратиш, метрология ва стандартлаш, иморатларни силжитиш, кўтариб тўғрилаш сингари юқори аниқ-

миз илмий салоҳиятини яна бир поғона юқори кўтарди, десак муболаға бўлмайд.

Лаборатория тадқиқотчилари илмий ишланмалари билан "Инновацион" гоялар, технологиялар ва лойиҳалар" республика ярмаркасида фаол қатнашиб келмоқда.

Институтида республикада ягона объект саналган сейсмик минтақаларда ноёб бинолар ва иншоотлар қурилиши соҳаси бўйича халқаро статусдаги илмий-лаборатория ташкил қилинган. Бугунги кунда лабораторияда сейсмик минтақалар учун биринчи бор катта оралиқли биноларни ёпиш муаммоси бўйича халқаро статусдаги 4 та меърий ҳужжат ишлаб чиқилмоқда.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, инс-

### Jarayon

— Ҳозир институтида агрономия, қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш,

иктисодиёт ва бошқарув факультет-

лари, замонавий талабларга мос ўқув жиҳозлари билан таъминланган 14та кафедра фаолият кўрсатаяпти. 12та бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Сўнгги икки йилда янги 2та бакалаврият таълим йўналиши, 4та магистратура мутахассислиги ташкил этилди. Таълим муассасамизда 2700 нафардан ортқ талаба таҳсил олаётган бўлса, 200га яқин профессор-ўқитувчи ўқув машғулотлари олиб боради. 2012 йилда институтида 354 нафар йигит-қиз битириб, катта ҳаётга йўланма олди.

— Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги тараккиятини таъминлашда институт олимлари томонидан илмий тадқиқотлар натижалари асосида яратилган тавсияларнинг аҳамияти катта. Шу ҳақда гапириб берсангиз.

— Иктидорли ёш тадқиқотчиларимиз, олимлар томонидан 3та мавзу бўйича давлат гранти асосида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилапти. Халқаро ва республика миқёсида ўтказилган илмий анжуманларда мавзубазлар билан қатнашмоқдалар.

2012 йилнинг май ойида Тошкент шаҳридаги «Ўзэкс-спомарказ»да бўлиб ўтган «Инновацион гоялар, технологиялар ва лойиҳалар» республика ярмаркасида 11та инновацион ишланмаси билан иштирок этишди. Октябр ойида эса «Uzbekistan AGROTECHMASH EXRO—2012» халқаро ихтисослаштирилган кўргазмасида тадқиқотчи Д.Рустамовнинг «Fўза қатор ораларига кузги дон экувчи тақомиллашган селекcia» ва Т.Каюмовнинг «Органик моддалардан биологик газ ишлаб чиқариш қурилмаси» намоийи этилиб, ижобий баҳоланди.

Институтининг 8та мутахассислик кафедраси 27та корхона, ташкилот ва муассаса билан инновацион ҳамкорлик шартномалари

# ИЗЛАНИШ ВА ТАДҚИҚОТЛАР

## малакали мутахассислар тайёрлашнинг пойдеворидир

Ўзбекистон қишлоқ ва сув ҳўжалиги тармоқлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган Андижон қишлоқ ҳўжалиги институти Президентимизнинг 1992 йил 15 мартдаги фармонида асосан Андижон пахтачилик институти негизида ташкил этилган эди. Мустақиллик йиллари институтида бир қатор янги бакалаврият ҳамда магистратура таълим йўналишлари очилди. Моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Утган вақт мобайнида қишлоқ ва сув ҳўжалиги тармоқлари учун 20 мингга яқин мутахассис тайёрланди.

Педагог ва олимлар жамоасининг мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий, илмий-амалий ҳаётини янги иштироки ўзига хос аҳамият касб этаётир. Мухбиримизнинг институт ректори, биология фанлари доктори Ботиржон Сулаймонов билан суҳбати мазкур даргоҳда олиб борилаётган ўқув-тарбия ва халқаро ҳамкорлик ишлари кўламига бағишланди.

тузиб, илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Дала тажрибалари ва синовлари институтининг ўқув илмий-ишлаб чиқариш ҳўжалигини таъминлашда, Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Андижон филиали ҳамда Ўзбекистон Республикаси суғориладиган ерларда дон ва дуккакли ўсимликлар етиштириш илмий-тадқиқот институти тажриба майдонларида амалга ошириляпти. Ҳозир қишлоқ ҳўжалигини механизациялаштириш таълим йўналишининг юқори босқич талабалари учун Андижон машинасозлик ва «UZDAEWOO» автокорхонасида ҳам кафедра-лар филиалларини очиб бўйича амалий ишлар қилинмоқда.

— Эришилган муваффақиятларда халқаро ҳамкорлик алоқаларининг ҳам алоҳида ўрни бўлса керак?

— Албатта, халқаро ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Яқунланган йилда 30 нафар талабамиз Германия, Россияда амалиёт ўтади. Ривожланган мамлакатларнинг университетлари ва илмий марказлари билан илм-фан соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, халқаро лойиҳаларда мунтазам қатнашуни кучайтириш мақсадида 9 профессор-ўқитувчимиз Германия, Венгрия, Италия, Эстония каби хоржий давлатларда малака ошириб, ўзаро тажриба алмашиб қайтди. Институти «Биосервис» илмий-ишлаб чиқариш марказининг фаолият кенгайди. Германиянинг GTZ ташкилоти билан ҳамкорликда ўсимликларни биологик химоя қилиш бўйича лаборатория қуриш ва жиҳозлаш ишлари ниҳоятга етказилди. Натияжада иссиқхона оқанотида қарши энкарзия энтофогамини ишлаб чиқариш ва сабзавотчиликка ихтисослашган фермер ҳўжалиқларига етказиб бериш йўлга қўйилди. Германиядан шу соҳанинг дунёда эътироф этилган етук мутахассиси, доктор Шариф Ҳасан институтига ташириб буюриб, профессор-ўқитувчилар, талабалар ва вилотиимиз фермерлари

билан суҳбат ва машғулотлар ўтказди.

— Институтининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари билан ҳамкорлиги хусусида ҳам тўхталиш керак.

— Ўқув жараёнини такомиллаштириш, мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш, битирувчиларни иш билан таъминлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Фарғона водийсидаги қишлоқ ҳўжалиги касб-ҳунар коллежларидан 47таси институтига бириктирилган. Уларда институти кафедраларининг 24та филиали фаолият кўрсатиб келмоқда. Коллежларнинг ёш ўқитувчиларидан 30 нафар «Устоз-шоғирд» йўналишида салоҳиятли профессор-ўқитувчиларга бириктирилиб, ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилди. Вилотиёт ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда сервис-хизмат кўрсатиш гуруҳларини ташкил этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Натияжада ҳар бир қишлоқ ҳўжалиги касб-ҳунар коллежнинг 10 нафар битирувчи босқич ўқувчиларидан иборат шундай гуруҳлар ташкил қилинди ва институти профессор-ўқитувчилари томонидан махсус курсларда ўқитилди. Ўқув машғулотлари охирида яқуний имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган ўқувчиларга сертификат топирилди. Ана шундай гуруҳлар ўзларига бириктирилган худудлардаги аҳоли хонадонларида етиштириляётган мева-сабзавот экинларини қасаллик ва зараркундалардан химоя қилиш бўйича ўз фаолиятини бошлади.

Педагогик жамоамизнинг бутун диққат-эътибори мустақил мамлакатимиз халқ ҳўжалиги соҳалари учун малакали мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган. Айни мақсад йўлидаги ҳаракатларимиз, интилиш ва изланишларимиз келгусида қутилган самарани беришга ишонамиз.

Орифжон СИДДИҚОВ суҳбатлашди.

## ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ ЮКСАЛМОҚДА

ликдаги илмий-муҳандислик ишлари амалга оширилмоқда.

Вилотиимиз ва қўшни вилотиетлар қурилиш индустрияси эҳтиёжидан келиб чиқиб, институтида бино ва иншоотлар қурилмалари ва қисмларини синовдан ўтказиш минтақавий маркази, илмий-муҳандислик комплекси ташкил этилган. Бу илмий марказлар давлат сертификатларига эга бўлиб, тегишли тартибда аккредитация ва аттестациядан ўтказилган.

Институти илмий-тадқиқот лабораторияси маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида юқори самарага эга ишқорли цементлар, улар асосидаги махсус қоришмалар ва бетон ишлаб чиқариш муаммоси бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боради. Шу соҳа бўйича таълим масканида устоз-шоғирд анъанаси йўлга қўйилган. Бу ерда 5 фан номзоди ва 3 магистр илмий-тадқиқот ишларини олиб боришмоқда. Изланишлар эса ўз самарасини бераётир.

Лаборатория мудири техника фанлари номзоди, доцент Аминжон Сулонов «Махсус хоссалли ишқорли цементлар, қоришмалар ва бетонлар» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади. У ўтган уч йил давомида «Маҳаллий фаол минерал ашёлар ва саноат чиқиндилари асосида ишқорли таппонаж цементлар ва улар асосида қоришмаларни ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришда синаш ва жорий этиш» мавзусидаги давлат гранти асосида изланишларини давом эттириб, нефть ва газ қудуқларини таппонаш учун махсус ишқорли таппонаж цементнинг янги турини ишлаб чиқди. Ушбу цементни ишлаб чиқариш учун технология йўриқнома ва техникавий шароитлар яратиб берилди. Ҳозир таппонаж цементни «Ўзнефтгазбурулаш» тизимида жорий этиш ишлари олиб борилмоқда.

Юқори самарадор ишқорли ячайка-ли бетонлар ишлаб чиқариш учун «ALINA INVEST» Ўзбекистон — Беларус — Россия қўшма корхонаси ташкил қилинди. Мазкур корхонада ишқорли ячайкали бетонлар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган. Лаборатория олимлари илмий изланишлари натижасида ўтган йили «Қурилиш материаллари ва металлар технологияси» дарслиги чоп этилгани ҳам институти-

титутда 2013 йилдан «UZWATER: Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида магистрлар учун атороф-муҳит муҳофазаси ва барқарор ривожланишининг сув ресурсларини бошқариш ва улардан самарали фойдаланиш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш» мавзусидаги халқаро грант лойиҳаси асосида амалий ишлар бошлаб юборилди.

Институтида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси илмий-техник ривожланишининг нуфузли йўналишига кирувчи Давлат илмий-техник дастурлари бўйича 2 мавзу асосида 2012—2014 йилларга мўлжалланган амалий илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Айни пайтда «Олий таълим фан ва ишлаб чиқариш ўртасида инновацион корпоратив ҳамкорликни йўлга қўйиш» бўйича 18та кафедрада жами 30та инновацион гуруҳлар фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда 14та ташкилот билан шартнома-лар тузилиб, 103та илмий технология муаммо олиб инновацион ҳамкорлик олиб бориляпти.

Олий ўқув юрти талабалари республика фан олимпиадасининг яқуний босқичида ёшларимиз 6 фан бўйича қатнашиб, 1 нафари биринчи, 1 нафари иккинчи, 2 нафари эса учинчи ўринни эгаллади.

Албатта, бундай натижаларга эришишда теран фикрловчи, илмий салоҳияти юқори устозлар жонқуярлиги, фидойилиги муҳим аҳамият касб этади. Институтиимизнинг илмий салоҳияти юксалишида Раҳмон Абдураулов, Тошпўлат Ширинқулов, Муҳаммад Аҳмедов, Сайидмақсуд Раззоқов, Ахтам Уралов, Камол Раҳимовдек фидойий устозларимизнинг хизматларини эътироф этиш ўринли. Шоғирдлар ҳам устозлар ишончини қозонишди: улар илмий-тадқиқотлари, ихтиролари билан мамлакатимиз илм-фани ривожига ҳисса қўймоқда, турмушимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Эркин ИСОҚОВ,  
СамДАКИ илмий ишлар бўйича  
проректори,  
техника фанлари номзоди

Нутқий камчиликлар мактабга қадам қўйган бола учун қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Шу сабабли бундай ўғил-қизларга мактабга-ча даврида мутахассислар томонидан зарур ёрдам кўрсатилиши лозим. Логопедик сабоқнинг самарали бўлиши учун комплекс равишда тиббий-педагогик ёндашув, дори-дармон билан даволаш, психотерапия, мутахассисларнинг логопедик таъсири ҳамда ота-оналар ва тарбиячилар ҳамкорлиги катта аҳамиятга эга.

Тошкент шаҳридаги бир қатор махсус мактабга-ча таълим муассасаларида айни шу борада кузатиш ва тадқиқотлар олиб бордик. Илмий изланишлар натижасига кўра, нутқий тўлиқ ривожланмаган 6-7 ёшли болалар нутқини ўстириш, саводга ўргатиш машғулоти намунаси ишлаб чиқилди. Машғулоти фақатгина болалар

роғли пирог ва ҳ.к.).

“Нима истеъмол қиламиз?” ўйини ёрдамида эса қарама-қарши маъноли (қиёсловчи) гап тузиш ва унда келаси замон феълни қўллаш ўрганилади. Масалан, «Мен ош ейман, Ойдин эса нон ейди». Нутқда «учун» кўмакчисини қўллаш ҳам шу каби ўйиндан фойдаланиш яхши самара беради. Бо-

Ичсақ, есақ, қувватдир, Танимиз ҳам сиҳатдир.

«С» товуши артикуляцияси ва талаффузини аниқлаштиришда эса «Тўсиқча» машқи бажарилади, лаблар кулги ҳолатида, олдинги тишлар кўриниб туради: «С – с – с» товуши талаффуз қилинади. Сўнг «Эсла ва номла» ўйини орқали болалар навбат билан таркибида «с» товуши бор сўзларни айтидилар, товушнинг сўздаги ўрнини аниқлайдилар. «Биз «С» билан ўйнаймиз» ўйини орқали эса нутқий камчиликлар бартараф этилади.

Санжар ва Собир билан Сабзини саралаймиз. Саксонтадан саноклаб Сабр билан саватлаймиз.

Болаларни «С» ҳарфи

ёқа, тугма, белбоғ, боғич...

«Биз расмлар билан ўйнаймиз» нутқий ҳаракатли ўйинда бирор либос сурати кўрсатилади. Ўқувчилар унинг нималигини айтади ва сўзни бўғинларга бўладилар. Юзма-юз турган ҳолда ритмга мос равишда кафтига кафтини теккизилади (бо-тин-ка, мун-чок, қал-поқ-ча...).

Расмлардан тасвирловчи ҳикоялар тузишда ҳам фойдаланиш мумкин. Бу орқали боғланган нутқни ривожлантиришга эришилади: «Бу аёллар кўйлаги, адресдан замонавий бичимда тикилган. Ёқаси, энгларни, белбоғи, тугмалари бор...».

«Б» товуши артикуляцияси ва талаффузини аниқлаштиришда товушнинг

## КАСБГА БОҒЛАБ ДАРС ЎТИШ

### самарали натижалар беради

Умумтаълим муассасаларида таълим сифатини ошириш мақсадида қатор изланишлар олиб борилган, ин-терфаол дарс услублари синовдан ўтказилмоқда. Албатта, ҳар қандай дарснинг муваффақияти, биринчи навбатда, педагог маҳорати, унинг қанчалик даражада машғулотларда янгидан-янги технологиялардан унумли фойдалана олаётганига боғлиқ. Хусусан, сўнгги йилларда ўқувчиларни куйи синфларданок касб-хунарга йўналтириб бориш масаласи тобора долзарб бўлмоқда. Хўш, педагог дарсдан мавзусидан четлашмаган ҳолда ўғил-қизларнинг касблардан хабардорлигини таъминлашга қандай эришади?

Касб-хунарга йўналтиришда энг самарали усуллардан бири касбга боғлаб дарс ўтишдир. Масалан, бошланғич синф ўқувчиларини касбга қизиқтириш учун одобнома, ўқиш фанларига оид баъзи мавзуларни тушунтиришда ҳаётий мисоллар билан бирга, жонли образлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Айтилик, жамиятимизда талаб катта бўлган касб-хунаро соҳиблари — тикувчи, пазанда, косиб, зардўз, нақош ёки фермерларни дарсга тақлиф этиб, касб-хунарни афзалликларига доир савол-жавоб, баҳс-мунозара ўтказиш болаларда аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Пировардида машғулоти ноанъанавий, таъсирчан услубда ташкил этишга эришилади.

Бугунги кунда таълимга ахборот-коммуникация технологиялари кенг татбиқ этилмоқда. АКТнинг афзаллик жиҳатлари талайгина. Аввало, техник воситалар дарсни жонли ва кўргазмали ташкил этиш имконини беради — педагог дарсда ортиқча куч сарфламайди, аудиториянинг фаоллиги ошади, муस्ताқил, ижодий ишлашга одатланади. Ўқувчиларда компьютер ва ахборот технологиялари билан ишлаш кўникмаси шаклланишининг ўзи ҳам катта ютуқдир.

Сир эмас, айрим ёш ўқитувчилар дарсларда ўзига хосликка интилади-ю, бирор асосли метод ёки технология танлашга қийналади. Аслида эса, барча ютуқлар замирида меҳнатқошлик, изланувчанлик ётади. Умумтаълим мактабларида амалиёт ўташ даврида мен бунга яна бир бор амин бўлдим.

Сайёра ЗУПАРОВА,  
ЎзДЖТУнинг II инглиз филологияси факультети талабаси

# ТАЪЛИМИЙ ЎЙИН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

## болалар нутқидаги камчиликларни бартараф этишда қўл келади

луғат бойлигини оширишни эмас, балки нутқининг грамматик тузилишини коррекциялаш, товушларни таҳлил қилиш, нутқ аппарати моторикасини ривожлантириш, психик жараёнларни фаоллаштиришни ҳам назарда тутди.

Ўйин ва машқлар секин-аста мураккаблаша бориб, фонематик идрокни, талаффуз малакасини, эшитув диққатини, вербал хотирани, артикуляция моторикани ривожлантиришга йўналтирилган. Психик жараённи компенсация қилишни назарда тутувчи машқлар, топшириқлар иложи борица вербаллаштирилган. Логопедларга тақлиф этилаётган мавзуларни ўйин технологиялари ёрдамида, ижодий ёндашиб олиб бориш тавсия қилинади.

Қуйида «Озиқ-овқат маҳсулотлари» мавзусидаги машғулоти намунасини кўриб чиқамиз. Бунда лексик-грамматик ўйин ва машқлар ёрдамида от сўз туркумига оид сўзлардан сифат ҳосил қилиш ўрганилади. Мисол учун, «Нима тайёрлаймиз?» ўйини шартига кўра болаларга балиқ, гўшт, товуқ, сут, шакар, творог, тухум каби маҳсулотлар тасвирланган предметли расмлар тарқатилади. Ҳар бир бола ўзидаги маҳсулотдан нима тайёрлашни гапириб беради (гўшти кадоб, товуқли шўрва, сутли чой, сабзавотли бўтқа, мевали шарбат, ширин кулча, тво-

лалар логопед ёрдамида музлатгич, гўшт майдалагич, шарбат чиқаргич, самовар, ошхона комбайни, нон идиш, туздон, чойнак, салат идиши нима учун кераклигини аниқлашади.

Уюшқ бўлакчи гап тузиш ва эшитув диққатини ривожлантиришда «Хатони топ» ўйинини қўллаш мумкин. Мисол учун, болалар «Мен чой пишириб, сомса қайнатаёпман», «Мен шарбат еб, манти ичяпман» каби хато жумлаларни тўғрилашади.

Боғланган нутқни ривожлантириш учун эса «Нима ширинроқ?» эртаги ҳикоя қилиб берилади: «Тушлик вақтида озиқ-овқат маҳсулотлари қайси бири мазалироқ экани ҳақида баҳслашиб қолди. Котлет, шўрва, салат, шарбат, пирог, бўтқа, кисел, сут, чой ўз сифатларини санашади...». Логопед болаларга ушбу эртаник саҳналаштиришни, ундан кейин озиқ-овқат маҳсулотлари ҳақида эртақ тўқишни тақлиф этади.

Жисмоний дақиқа — логоритмикани ривожлантиришда шеърый ҳаракатли ўйиндан фойдаланиш мумкин. Қоидага кўра, логопед таомлар расминини навбати билан териб чиқиб, қоғофия мисраларни ўқийди. Кейин болалар биргаликда такрорлайди, бунда ҳар бир қаторга тўрттадан чапак чалинади.

Яшарди аҳил-иноқ,  
Сут, қатик ҳамда пишлоқ.  
Жуда яқин дўст эди,  
Айрон, сузма ва сарёғ...

билан таништиришда кон-тури бўйлаб чиқиб чиқиш, бармоқ билан стол устида ёзиш, алифбоддан излаб топиш машқларини ҳам бажариш мумкин.

«Кийим-кечаклар» мавзуси ёрдамида ҳам нутқий нуқсонларни бартараф этиш мумкин. Дастлаб болажонлар онгида кийим-кечаклар ва уларнинг ва-зифаси, турлари ҳақида тушунча уйғотиш учун суҳбат уюштирилади. Кейин машғулоти лексик-грамматик машқ ва ўйинлар ёрдамида давом эттирилади.

Мавзу бўйича луғатни ўзлаштиришда «Сўзни яқунла» машқидан фойдаланилади: кўй..., юб..., қал..., шля..., туф..., эт..., ши..., паль..., пай..., ха..., жем..., курт..., қўл... ва ҳоказо.

«Киймоқ» феълни ўрганиш учун «Сайрга нима кийиб чиқамиз?» машқидан фойдаланиш мумкин. «Кийим» сўзига мос келувчи сифатларни топишда эса «Қандай кийим?» машқидан фойдаланса бўлади: уст..., спо..., мавсу..., киш..., ёз..., куз..., баҳор..., байра..., ис... ва ҳоказо.

Мавзу бўйича феълларни ўзлаштиришда «Аксини айт» машқи қўл келади: киймоқ — ечмоқ, тахламоқ — ёймоқ, дазмолламоқ — гижим қилмоқ...

«Нима етишмаяпти?» машқи ёрдамида кийим-кечакларнинг қисмлари билан танишиш осон кечади. Бунда логопед суратдаги либоснинг бирор қисмини яширади. Болалар эса уни топиши керак. Намуна учун сўзлар: чўнтақ,

тавсифи (ундош — чўзиб айтилмайди, жарангли — овоз шитирокида айтилади, портловчи, лаб ундоши...) келтирилади. Сўнг мавзу «Тез айт» (бе – би, бо – бў, бор – боғ, юбка – юпка, бозор – баҳор) каби машқлар ёрдамида тушунтирилади.

«Бўрсиқчалар ва бузоқчалар» ўйинида болалар икки гуруҳга бўлинади. Доскага номи «б» билан бошланадиган нарсаларнинг расмлари илинади. Бўрсиқчаларга кийим-кечакларнинг, бузоқчаларга эса озиқ-овқатлар расминини олиш айтилади. Шундан сўнг ўғил-қизлар навбати билан доскага чиқиб, суратлардан бирини танлайди ва бунинг сабабини шарҳлаб беради: «Мен бақлажонни олдим, чунки мен бузоқчаман». Ёки: «Мен кўйлакни олдим, чунки мен бўрсиқчаман» тарзида.

Кузатишларимиздан келиб чиқиб айтганда, таълимий ўйин технологиялари билан кенг фойдаланиш болалар нутқидаги камчиликларни бартараф этишда яхши самара беради. Интерфаол усуллар асосига қурилган дарслар ўғил-қизларнинг нутқини ривожлантирибгина қолмай, атрофимиздаги олам ҳақидаги тасаввурларини ҳам бойитади.




Мукаррам АЮПОВА,  
педагогика фанлари номзоди, профессор,  
Шахноза ОРИПОВА,  
Низомий номлидаги ТДПУ катта илмий ходим-изланувчиси



# O'YNAB, SO'ZLAB O'RGANAMIZ!

(Davomi. Boshi gazetaning 22-sonda.)

## Kunlar

<b>Days</b> — kunlar, Turli ular.	Deys	
<b>Sunny</b> — quyoshli, Kun kular.	Sani	
Kun ko'rinmas Uncha quvnoq, Bo'lsa <b>thunder</b> — Momaqaldiroq.	Sande	
Ammo kunlar <b>Happy</b> — quvnoq, Yuzing kulib Tursa har chog'.	Hepi	
Hatto yog'sa <b>Rain</b> — yomg'ir, Yo <b>wind</b> — shamol Essa g'ir-g'ir.	Reyn Uind	
Yo <b>cold</b> — sovuq Bo'lsa takror, Yoki yog'sa, <b>Snow</b> — qor.	Kould Snou	
Hatto yog'sa, <b>Hail</b> — do'l, Doim zavqqa, Quvonchga to'l.	Heil	

## O'qituvchiga yordam

**A school** — maktab,  
Shunday ataymiz maqtab.  
**Classroom** — sinfga yo'q qiyos,  
Bizni kutar **teacher** — ustoz.  
**Osig'liq blackboard** — doska,  
Unga yozamiz havasga.  
Yozish uchun unga shu chog'  
Kerak bo'ladi bo'r — **a chalk**.  
Parta — **a desk**ga shu tob  
Qo'yamiz biz **a book** — kitob.  
Yana daftar — **a notebook**,  
Va kundalik — **a record book**.  
Yozish uchun, unutm sen  
Kerak bo'lar ruchka — **a pen**.  
Papka — **schoolbag**da nima bor?  
**Notebooks** va **books** qator-qator.  
**Color pencils** — rangli qalam,  
Yana **rulers** — chizg'ichlar ham.  
**Pen-box** — qalamdon, albat,  
**Eraser** — o'chirg'ich har vaqt.  
O'quvchiga qiling havas,  
Qanday qiziq **a lesson** — dars.

## Maktab

Skul	
Klasrum	
Ticha	
Blekboard	
E chok	
E desk	
E buk	
E noutbuk	
Rekordbuk	
E pen	
Skulbeg	
Notbuku, buks	
Kala pensil	
Rules	
Pen boks	
Ireyze	
Lesn	

Kavsar TURDIYEVA

(Davomi bor.)

Mamlakatimizda Prezidentimiz rahnamoiligida faol tadbiqkorlik muhiti yaratilgach, yurtimiz nafakat uymizning inshibalarmonlar, balki horijiy investidorlar uchun xam kulay makonga aylandi. Iyildan iyilga korxonalar soni ortib, ishlab chikarish tarmonoqlari kenгаymoqda. Soxalar texnik va tehnologik xijatdan yangilaniy, modernizatsiya qiliniishi natijasida mehnat bozoriga eng zamonaviy ishlab chikarish xijozlari kirib kelаяпти. Tabiiyki, ushu kurilmalarning ishlash tizimi, dasturlari xaqidagi ma'lumotlar asosan chet tillarida berilgan. Bu bir xijat.



## КАСБ-ХУНАР КОМПЛЕЖИ БИТИРУВЧИСИ

chet tillarni qay darajada bilishi kerak?

Yana boshqa tomoni esa, zamonninг uzi kichik mutaxassisning xam avvalgiday shunchaki buyruqni bajaruvchi ishchi emas, soxasi doirasida ijodiy fikrлай оладиган, har bir ishga yangicha endashadigan, kerak bulsa, kasbi buyicha uz biznesini tashkil qiladigan шахs bulishini талаб qilmoqda. Buning uchun esa xahon civilizatsiya iytuqlari xamda dunё axborot resurslaridan kenг kulamda foydalana olish muhim ahamiyat kasb etadi. Prezidentimizning «Чет tillarni urganishi tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbiqlari turgisida»gi qarori ayni maqsadga qaratilgan bilan xam qimmatlidir. Shu nuqtani nazardan qaror ijrossini ta'minlash borasida Uрта maxsus, kasb-xunar ta'limi markazida olib borilayotgan ishlar bilan qiziqdik.

— Markazimiz tomonidan bu borada qator ishlar amalga oshirilmoqda, — deydi Uрта maxsus, kasb-xunar ta'limi markazining davlat ta'lim standartlarini takomillashtirish va ta'lim iynalishlarini birxillashtirish boshqarmasi boш mutaxassisi Nurmurod Чинкулов. — Аввало, chet tillarni uqitish buyicha yangi ta'lim standartlari, uquv reja va dasturlarini ishlab chikish, chet tillar buyicha mavjud uquv adabietlari, uquv-metodik majmuvalarini takomillashtirish va yangi avlod adabietlarini yaratish xamda ta'lim muassa-

salari horijiy til kabinetlarini zamonaviy axborot-kommunikatsiya va uqitishning texnik vositalari va anjomlari bilan xijozlash (kushimcha xijozlash)ning jadallashirilgan dasturini ishlab chikish buyicha urta maxsus, kasb-xunar ta'limi tizimida faoliyat olib borayotgan xalqaro sertifikatlarга эга, ilgor tajribali professor-uqituvchilardan iborat ishchi guruхlar shakllantirildi. Ishchi guruхlar tomonidan birinchi galda qanday endashsak, chet tillarni xalqaro mezonlar asosida uqita olamiz va bunda nimalarга эtyibor qaratiш lozim, degan masala iuzasidan horijiy xamda mahalliy tajribalar urganildi. Shu asosda chet tillar fani buyicha davlat ta'lim standartlari, uquv reja va dasturlar qayta kurilib, yangi loyihasi ishlab chikildi. Bunda faqatgina Uрта maxsus,

kasb-xunar ta'limi markazi tomonidan tashkil etilgan ishchi guruхlar xulosalari emas, balki худудлардаги etakchi, xalqaro sertifikatlarга эга, kup iyllik tajribali horijiy til uqituvchilarining xam fikr-mulohazalari, takliflari эtyiborga olindi. Худудий бошqarmalar qoshida ana shunday moхir педагоглардан iborat ishchi guruхlar shakllantirilib, ishlab chikilgan har bir хужжат ularning xam тахлилидан utkazildi. Bu хужжатларнинг puxta bulishi, ta'limдаги uzviylik va uzluksizlikni ta'minlashda muhim ahamiyat kasb etmoqda. Худудий ishchi guruхларнинг takliflari kurib chikilgach, shakllantirilgan yakuniy loyiha chet tillar buyicha xalqaro ekspertlar va mutaxassislarга takris uchun berildi.

Mutaxassis ma'lumotlariga kura, 2013-2014 uquv iyilidan urta maxsus,

kasb-xunar ta'limi tizimidaги chet tillar darslari miqdori 70 soatga kupaytirilishi kutilmoqda. Tabiiyki, ushu fan uqituvchilariga талаb ortadi. Markaz tomonidan akademik lisey xamda kasb-xunar kollejlari uchun kelgusi uch iyildagi chet tillar uqituvchilariga эtyibor urganilib, bu borada xam chora-tadbiqlar rejasini ishlab chikildi.

Xush, yangi davlat ta'lim standartlari amaldagisidan nimasi bilan fark qilishi mumkin?

— Чет tillar fan dasturida xalqaro miqёsda tan olingan yangicha endashuv uz aksini topmoqda, — deydi Uрта maxsus, kasb-xunar ta'limi tizimida chet tillar fan dasturini ishlab chikish ishchi guruхи rahbari Feruza Rashidova. — Bunda uqitishning an'yanaviy uslublaridan voz kechilib, uquvchida kuproq muloqot qilish kunikmasini shakllantirishga эtyibor qarataladi. Ish jaraёnida alifbo va grammatik koьdalarni uzlashtirmay turib uquvchi biror horijiy tilni qanday urganishi mumkin, degan masala chukur bilimli, tajribali filologlar va moхir педагоглар urtasida bahs-munozaralar asosida atroflacha urganildi. Yakunda shunday xulosaga kelindiки, bola uz ona tilida gapirishni atrofni anglash vositasida va uzaro suzlashuvlarda urganib borgani kabi chet tilini xam хаётий va kundalik ma'lumotlar erdamida uzlashtirishi oson kechadi. Masalan, urta maxsus, kasb-xunar ta'limida uquvchilar uchun beriladigan inglizcha matn uzi qiziqkan kasb doirasida bulsa, tez va kiyinchiliksiz uzlashtiradi. Shuning uchun chet tillarni uqitishda har bir tayёрлов iynalishlaridan kelib chiqqan holda mavзулар tanlanishiga, kasbiy atamalar va leksik qatamlardan kenг foydalaniшga aloхanda эtyibor qaratilmoqda. Yangi avlod darsligi va uquv kulnlmalarining yaratilishida xam shu xijatlar эtyiborga olinaadi. Natijada kollej bitiruvchisi chet tilida uz kasbi doirasida erkin suzlasha оладиган malakali kichik mutaxassis bulib etishadi.

Аброр УМАРКУЛОВ,  
«Ma'rifat» мухбири



## АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

*Юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларни табиат нафосати, гўзаллиги намоён бўладиган баҳор ва уйғониш фаслининг шодиёнаси НАВРЎЗ айёми билан муборакбод этамиз! Эзгулик, тинчлик, бахт ва шодлик рамзи бўлган ушбу байрам муносабати билан Сиз азизларга узоқ умр, бахт-саодат, оилангизга тинчлик, хотиржамлик, файзу барака тилаймиз!*





# **АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**Муҳтарам юртдошлар!  
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим ва Халқ таълими  
вазирликлари тизимида меҳнат қилаётган  
азиз ўқитувчи ва мураббийлар!  
Барчангизни халқимизнинг азалий  
қадриятлари мужассамлашган **НАВРЎЗ**  
умумхалқ байрами билан қутлаймиз!**



**НАВРЎЗ АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!**

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим  
ТУРКМАН тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2013-2014 ўқув йилида  
фойдаланишга тавсия этиладиган дарслик ва ўқув кўлланимлар  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Дарслик ва ўқув кўлланимлар номи	Муаллифлар	Нашр этилган йили	Таъминланиш ҳолати	Т/р	Дарслик ва ўқув кўлланимлар номи	Муаллифлар	Нашр этилган йили	Таъминланиш ҳолати
<b>1-синф</b>					12	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2011	ижара
1	Алифбе (Harplyk)	Қ.Абдуллаева ва б.	2013	беғул	13	География	А.Соатов ва б.	2013	ижара
2	Ёзув дафтари (Harplyk depderi)	К.Холлиев	2013	беғул	14	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2013	ижара
3	Она тили (Ene dili)	Г.Абдуллаева ва б.	2013	беғул	15	Мусиқа	С.Бегматов ва б.	2013	ижара
4	Ўқиш китоби (Okuw kitaby)	Г.Абдуллаева ва б.	2013	беғул	16	Жисмоний тарбия (5-6)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2013	ижара
5	Математика	М.Аҳмедов ва б.	2013	беғул	17	Тасвирий санъат	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара
6	Математика дафтари	М.Жумаев ва б.	2013	беғул	18	Меҳнат таълими	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара
7	Атрофимиздаги олам	А.Григорьянц	2013	беғул	<b>7-синф</b>				
8	Одобнома	О.Ҳасанбоева ва б.	2013	беғул	1	Ўзбек тили	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара
9	Тасвирий санъат	Р.Ҳасанов	2013	беғул	2	Туркман тили (Turkmen dili)	М.Ханматов ва б.	2013	ижара
10	Мусиқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2013	беғул	3	Адабиёт (Edebiyat)	Г.Суюнова ва б.	2013	ижара
11	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2013	беғул	4	Русский язык	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара
12	Меҳнат таълими	И.Маннопова ва б.	2013	беғул	5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Ўрой ва б.	2013	ижара
<b>2-синф</b>					6	Немис тили «Assalom,Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2013	ижара
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2012	ижара	7	Француз тили	В.Бухин ва б.	2013	ижара
2	Она тили (Ene dili)	Г.Абдуллаева ва б.	2012	ижара	8	Ўзбекистон тарихи	А.Муҳаммадджонов	2013	ижара
3	Ўқиш китоби (Okuw kitaby)	Ш.Абдуллаева ва б.	2012	ижара	9	Жаҳон тарихи	Т.Салимов ва б.	2013	ижара
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2010	ижара	10	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2013	ижара
5	Математика	Н.Абдурахмонова ва б.	2012	ижара	11	Геометрия	А.Азамов ва б.	2013	ижара
6	Атрофимиздаги олам	П.Ғуломов ва б.	2012	ижара	12	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2013	ижара
7	Одобнома	О.Ҳасанбоева ва б.	2010	ижара	13	Кимё	И.Асқаров ва б.	2013	ижара
8	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2010	ижара	14	География	П.Ғуломов ва б.	2013	ижара
9	Мусиқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2010	ижара	15	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	М.Қаршибоев ва б.	2011	ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2010	ижара	16	Зоология	О.Мавлонов	2013	ижара
<b>3-синф</b>					17	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2013	ижара
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2012	ижара	18	Тасвирий санъат	А.Суллаймонов ва б.	2013	ижара
2	Она тили (Ene dili)	Г.Абдуллаева ва б.	2012	ижара	19	Мусиқа	О.Иброҳимов ва б.	2013	ижара
3	Ўқиш китоби (Okuw kitaby)	Ш.Абдуллаева ва б.	2012	ижара	20	Жисмоний тарбия (7-8)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2013	ижара
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2010	ижара	21	Меҳнат таълими	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара
5	Математика	С.Бурҳонов ва б.	2012	ижара	<b>8-синф</b>				
6	Табиатшунослик	А.Баҳромов	2012	ижара	1	Ўзбек тили	Х.Муҳиддинова ва б.	2010	ижара
7	Одобнома	М.Холиқова ва б.	2012	ижара	2	Туркман тили (Turkmen dili)	Х.Аразқиличева ва б.	2010	ижара
8	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2010	ижара	3	Адабиёт (Edebiyat)	Н.Гурбанбердиев ва б.	2010	ижара
9	Мусиқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2010	ижара	4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2010	ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2010	ижара	5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
<b>4-синф</b>					6	Немис тили «Assalom,Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2010	ижара
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2013	ижара	7	Француз тили «Le nouveau voyage en France»	З.Абдушукурова ва б.	2010	ижара
2	Она тили (Turkmen dili)	А.Қодиров	2013	ижара	8	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2011	ижара
3	Ўқиш китоби (Okuw kitaby)	А.Қодиров ва б.	2013	ижара	9	Ўзбекистон тарихи	Қ.Усмонов ва б.	2010	ижара
4	Математика	М.Алиев ва б.	2013	ижара	10	Жаҳон тарихи	У.Жўраев ва б.	2010	ижара
5	Русский язык	М.Алиева ва б.	2013	ижара	11	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	О.Каримова ва б.	2010	ижара
6	Табиатшунослик	А.Баҳромов	2013	ижара	12	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2010	ижара
7	Одобнома	М.Холиқова ва б.	2013	ижара	13	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
8	Мусиқа	О.Иброҳимов	2013	ижара	14	Геометрия	А.Раҳимқориев	2010	ижара
9	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2013	ижара	15	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2010	ижара
10	Тасвирий санъат	А.Суллаймонов ва б.	2013	ижара	16	Кимё	И.Асқаров ва б.	2010	ижара
11	Меҳнат таълими	И.Маннопова ва б.	2013	ижара	17	Одам ва унинг саломатлиги	Б.Аминов ва б.	2010	ижара
<b>5-синф</b>					18	География	П.Мусаев ва б.	2010	ижара
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2011	ижара	19	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	Р.Қўчқор ва б.	2011	ижара
2	Туркман тили (Turkmen dili)	Г.Суюнова ва б.	2011	ижара	20	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
3	Адабиёт (Edebiyat)	К.Раззоқова ва б.	2011	ижара	21	Жисмоний тарбия (7-8)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2007	кутубхона фонди
4	Русский язык	О.Қодирова	2011	ижара	<b>9-синф</b>				
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2011	ижара	1	Ўзбек тили	А.Рафиев	2010	ижара
6	Немис тили «Deutsch»	М.Қиёмова ва б.	2011	ижара	2	Туркман тили (Turkmen dili)	И.Аразов ва б.	2010	ижара
7	Француз тили "Bonjour la France"	А.Носиров ва б.	2011	ижара	3	Адабиёт (Edebiyat)	Г.Велбеғов ва б.	2010	ижара
8	Тарихдан ҳикоялар	У.Жўраев ва б.	2011	ижара	4	Русский язык	Ю.Азизханова ва б.	2010	ижара
9	Математика	Б.Ҳайдаров	2011	ижара	5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
10	Информатика	Д.Қамолитдинова	2012	ижара	6	Немис тили «Deutsch»	М.Дадаходжаева ва б.	2010	ижара
11	Табиий география бошланғич курси	П.Ғуломов ва б.	2011	ижара	7	Француз тили «D'un Etat a l'autre»	С.Раҳмонов ва б.	2010	ижара
12	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2011	ижара	8	Жаҳон тарихи	М.Лафасов ва б.	2010	ижара
13	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2011	ижара	9	Ўзбекистон тарихи	С.Тиллаев ва б.	2010	ижара
14	Мусиқа	А.Мансуров ва б.	2005	кутубхона фонди	10	Конституциявий ҳуқуқ асослари	Г.Тансиқбаева ва б.	2010	ижара
15	Жисмоний тарбия (5-6)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2006	кутубхона фонди	11	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2010	ижара
<b>6-синф</b>					12	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
1	Ўзбек тили	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара	13	Геометрия	Б.Ҳайдаров ва б.	2010	ижара
2	Туркман тили (Turkmen dili)	М.Ханматов ва б.	2013	ижара	14	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2011	ижара
3	Адабиёт (Edebiyat)	Р.Қиличев ва б.	2013	ижара	15	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2010	ижара
4	Тарих	А.Саъдуллаев ва б.	2013	ижара	16	Кимё	И.Асқаров ва б.	2010	ижара
5	Русский язык	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара	17	Биология. Цитология ва генетика асослари	А.Зикиряев ва б.	2010	ижара
6	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2013	ижара	18	Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси	А.Қаюмов ва б.	2010	ижара
7	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2013	ижара	19	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	О.Мусурмонова ва б.	2011	ижара
8	Француз тили	З.Абдушукурова ва б.	2013	ижара	20	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
9	Математика	М.Мирзааҳмедов ва б.	2013	ижара	21	Жисмоний тарбия	Т.Усмонхўжаев ва б.	2005	кутубхона фонди
10	Физика	Н.Турдиев	2013	ижара					
11	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2013	ижара					



(Давоми. Боши газетанинг аввалги сонларида.)

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб атроф-муҳитни ҳимоя қилиш масаласи глобал муаммага айланди. Жаҳон миқёсидаги бу масаланинг узил-кесил ечимини топиш дунё халқлари орасидаги ҳамжиҳатлик ва тинчликка боғлиқ бўлиб қолди. Биринчи навбатда, XX асрдаги ривожланиш ва инсон фаолиятининг табиатга етказган салбий (антропоген) таъсири ва унинг энг зарarli томонларига асосий эътиборни қаратиш зарур бўлади. Эколог олимларнинг фикрича, халқ ҳўжалигининг турли соҳалари томонидан табиатга етказилган зарарнинг улушига қараб, уларни қуйидаги кетма-кетликда ўзига хос рўйхатга киритиш мумкин.

**1. Қишлоқ ҳўжалиги соҳаси.** Ерни чуқур ҳайлаш, тупроқнинг шамол ва сув таъсиридаги эрозияси, суғориладиган майдонларда ернинг шўрланиши, далаларга катта миқдордаги кимёвий ўғитлар ва захарли химикатлар солиниши, чорвачилик чиқиндилари ва бошқа омиллар табиатга катта зарар етказиши.

**2. Энергетика соҳаси.** Органик ёқилгиларнинг барча турларини қазиб олиш ва катта масофаларга транспорт орқали етказиш жараёнида табиатга зиён келтириш ҳамда ёқилги ёниши туфайли ажралиб чиққан ва канцероген хусусиятга эга оксидлар — углерод диоксида ( $CO_2$ ), углерод монооксида ( $CO$ ), азот диоксида ( $NO_2$ ), сера диоксида ( $SO_2$ ) энергетика соҳасини юқорида қайд қилинган рўйхатнинг иккинчи ўрнига олиб чиқади.

**3. Транспорт соҳаси.** Ҳайвонлар яшайдиган ўрмон, экин экладиган ер ва аҳоли яшайдиган жойларни кесиб ўтувчи автомобиль ва темир йўллар ҳамда дарё ва денгизлар бўйлаб ҳаракатланувчи транспорт воситалари томонидан атроф-муҳитга захарли, канцероген газларнинг чиқарилиши ва нефть маҳсулотларининг тўкилиши ҳам табиатга катта талофат етказмоқда.

Нанотехнологиялар табиатга кўрсатиладиган бундай салбий антропоген омиллар таъсирини кескин камайтиришга қодир. Масалан, нанотехнологиялар ёрдамида саноат ишлаб чиқаришида материал ва энергияни жиддий тежовчи илгор технологиялар жорий этилмоқда. Хусусан, юқори самардорликка эга энергия манбалари ва тежамкор технологияларни яратиш, экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқариш, транспорт воситалари томонидан атмосферага чиқариладиган зарarli газлар миқдорини сезиларли даражада камайтириш, саноат оқова сувларини тозалаш ва табиатни сақлаб қолишга қара-

тилган бошқа жуда кўп инновациялар шулар сирасига киради. Ҳозирги кунда нанотехнологиялар ёрдамида атроф-муҳитни тоза сақлаш бўйича кўп лойиҳалар амалга ошириляпти. Масалан, нанотехнологиялар асосида тайёрланган филтлар, мембраналар сувни тозалаш ва денгиз сувини чўчуқлаштиришда кенг қўлланиляпти. Кимёвий ва биологик инфлоксиланиш даражасини тезкорлик билан аниқлайдиган нанобиосенсорлар яратилган. Нанотехнологиялар асосида экологик тоза янги материаллар синтез қилинмоқда ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш йўлга қўйилмоқда. Радиацион ва кимёвий зарарланган тупроқ намуналари устида олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари шунини кўрсатдики, нанопрепаратлар ёрдамида та-

ажратилади. Қолган массадан қиздириш йўли билан металл чиқариб олинади. Худди шунингдек, нанотехнологиялар ёрдамида сувдан мишьяк, ҳар хил коллоид зарралар ва бошқа аралашмаларни ажратиб олиш усуллари ҳам мавжуд.

Хром, кадмий, мис, рух ионлари билан инфлоксиланган тупроқни юқорида қайд қилинган, ичимлик сувини тозалашда ишлатиладиган наноуглерод — полимер нанокомпозитлари ёрдамида ремедиация (сув, тупроқ ва атмосферани тозалаш усуллари мажмуаси) қилиш усули ишлаб чиқилган. Композитларнинг тупроққа кириш чуқурлиги 1 смдан 100 смгача ўзгарса, ремедиация зонаси эса 1 смдан 100 метргача бўлган масофани ўз ичига олади.

Хитой олими Чжан Вей-

нозарралари) билан нафас олганлари учун рух лихорадкаси касаллигига йўлиққанлар.

Айтиш жоизки, автомобиль двигатели ва электростанцияларда, айниқса, чекиш жараёнида тўлиқ ёниб улгурмаган углерод наноэроллари одам соғлигига энг кўп зарар етказиши мумкин. Бу углерод наночанглари нафас йўли орқали ўпкага ўтади. Ўпканинг химия механизми уларни қайта ишлаш ёки нейтраллаштиришга ожизлик қилади. Шунинг учун ҳам олимлар янги наноматериалларни яратиш ва фойдаланиш жараёнида жамият олдиди ўз масулиятларини яхши сезган ҳолда наноэроллarning одам соғлигига ва сайёрамиз экологик ҳимоя зарарини пухта ўрнатишлари ва унинг оқибатларини олдиндан айта би-



моддаларнинг пайдо бўлишида катализатор ролини ўйнайди. Учунчидан, модданинг организмни захарлаши унинг наноҳолатда бўлиши билан боғлиқ. Масалан, кимёвий инерт ҳисобланган фторопласт полимери идиш-товуқларни ясада қўлланилади. Ҳаводаги фторопласт наноэроллarning жуда кам миқдордаги концентрацияси 30 минутда қаламушни ўлдирди. Фторопласт наночангли Vx — захарловчи моддadan 10 марта захарлидир. Макроҳолатда зарарсиз бўлган  $SiO_2$  — кремний диоксида (пляждаги оддий кум) наноэроллarning ҳолатида ўпкадаги бирлаштирувчи тўқималарнинг кенгайишига сабаб бўлувчи силикоз касаллигига олиб келади. Сичқонларда ўтказилган тажрибалар шунини кўрсатдики, углерод наночанглари (олдинги мақолаларда бир неча марта тилга олинган)нинг аэрозолли (масалан, тутун ёки туман) сичқоннинг ўпкасида толалар ўсим чиқишига ва бирлаштирувчи тўқималарнинг йўғонлашишига олиб келади. Наночанглари эпидермис (терининг ташқи қатлами)га тушганда тери хужайраларини яллиглантиришга олиб келувчи цитотоксик ажратиш чиқаради. Одам яшаш учун зарур фойдали газ — кислород ҳам катта дозада қабул қилинса захарлидир. Уч кечаю кундуз тоза кислород атмосферасида бўлган киши ҳаётдан кўз юмади. Кўп наноэроллarning зарarli концентрацияси ҳали аниқланмаган. Шунинг учун ҳам наноэролл билан ишлашда биринчи навбатда эҳтиёт чораларини кўриш зарур бўлади.

2008 йили Швейцарияда ўтказилган халқаро анжуманда маърузалардан бирида углерод наночанглarning захарлаш хусусиятига эгаллиги ҳақидаги натижаларга унинг таркибидаги металл аралашмаси ўз таъсири ўтказиши мумкин деган хулосага келинган. Бу ҳолда наночанглarning зарари ҳақидаги фикрлар нотўғри бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам табиатга етказилган зарarli баҳолашда фақат наноматериалларнинггина эмас, балки текширишда қўлланилган усуллари ҳам тавсифлаш зарур.

Комил МУКИМОВ,  
ЎзРФА академиги,  
физика-математика  
фанлари доктори,  
профессор

(Давоми бор.)

## ЭКОЛОГИЯ ВА ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИЯЛАР

бий ҳолатни тиклаш мумкин экан.

Одам организмга ичимлик суви билан жуда кўп зарarli моддалар кириди. Статистика соҳасида мутахассисларнинг ҳисоб-китобида кўра, 25 йил давомида одам организмга 109 кг хлор, 25 кг нитратлар, 3 кг темир, 500 г алюминий, бир литр бензин ва 27 г бор ўрнашиб қолиши мумкин. Ичимлик сувини тозалашнинг ҳозиргача мавжуд усуллари талабга тўла жавоб бермайди. Ана шу жиҳатлар эътиборга олиниб, олимлар ичимлик сувини тозалашда замонавий нанотехнологиялар ютуқларидан фойдаланишни тавсия этмоқда. Масалан, XX асрнинг охирида бутунлай янги, табиатда учрамайдиган юксак реакция қобилиятга эга углерод аралашмаси кашф қилинди. Бу аралашма жуда катта солиштира юза ва углерод наноэроллarning асосида эга бўлган ноёб сорбентдир.

Бундан ташқари, нанотехнологиялар ёрдамида сувни тозалашнинг бошқа бир қанча усуллари мавжуд. Улардан бири оғир металл ионларини сувдан чиқариб ташлаш ёки металлларни тортиб олиш технологияси. Бунда металл ионларини ўзига тортиб олувчи наноуглерод — полимер нанокомпозитлари сув ичига солинади. Нанокомпозит зарралар дисперс муҳитда зарarli аралашмаларни ўзига тортиб олиш эвазига катталашди ва пластга чўқади. Кейин эса чўқинди масса филтёр ва центрифуга (марказдан қочирма куч таъсирида қоричмани механик равишда ажратувчи қурилма)дан ўтказилиб, сувдан осонгина

сяннинг океан орти университетларининг бирида темир наноэроллари билан ўтказилган тажрибаси тупроқни арзон ва самарали тозалаш ва жуда кўп маблағни тежаш имконини беради.


Шуни қайд қилиш жоизки, нанотехнологияларнинг юқорида кўрсатилган табиатни ҳимоя қилишдаги инкор қилиб бўлмайдиган ютуқлари билан бир қаторда уларнинг халқ ҳўжалигида кенг қўлланиши атроф-муҳит ҳолати ва одамларнинг соғлиги билан боғлиқ ноаниқлик ва янги хавф-хатарларнинг ҳам туғдирмоқда. Олдинги мақолаларимиздан бирида (2012 йил, 29 сентябрь ва 3 октябрь сони) моддалар наноўлчамдаги зарраларга майданганда физикавий, кимёвий ва механик хусусиятлари ўзгариши ҳақида сўз борган эди. Ҳақиқатан ҳам, модда бўлаклари қанча кичирайиб бора, унинг сиртида жойлашган атомларнинг сони ичкеридидаги қараганда кўпайиб боради. Сиртда жойлашган атомлар наноэроллarning ташқари томонда бўш валентликка эга бўлгани учун кимёвий жиҳатдан жуда фаолликка эга ва бошқа атомлар билан тезда реакцияга киришади. Шунинг учун ҳам макроўлчамда умуман зарарсиз деб ҳисобланган моддаларнинг наноэроллarning одам соғлиги учун хавф туғдириши мумкин. Наноэроллarning хужайраларга кириб, унинг таркибидаги органеллаларга ёпишиши ва ДНК молекуласи структурасини емириши ва мутацияга сабаб бўлиши мумкин. Қадим замонлардан маълумки, рух эритиш билан шугулланган кишилар рух оксидининг аэрозоли (на-

лишлари ҳамда зарур тадбирларни амалга оширишлари керак. Бунинг учун улар эндигона пайдо бўлаётган нанотоксикология фанидан хабардор бўлишлари лозим. Наноҳолатдаги моддаларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири организмнинг химия системасидан “ўтиш” қобилиятидан. Масалан, бир неча юз нмдан кичик бўлган наноэроллarning ўпка ичига кира олади ва бир нм. атрофидаги зарраларга эса ўпкadan қон томирларига омонгина ўтади. Табиий наноэроллarning ҳисобланган грип вирусини одам организмни шу йўл билан кириди. Кўпчиликка маълумки, дерматолог ва косметологлар томонидан тавсия этилган ультрабинафша нурларни ютувчи, баданнинг офтобда қорайтирувчи кремларнинг бозори чаққон. Кўпчиликнинг хабари йўқки, бу кремнинг таркибидаги титан диоксида  $TiO_2$  ва рух диоксида  $ZnO$  одам организмга жуда катта зарар етказиши мумкин. Бу кремларнинг оммавий қўлланилиши натижасида АҚШда тери раки касалликлари 90 фоизга ошган.

Ҳар хил наноэроллarning хусусиятлари ҳақида ҳозиргача тўпланган билимлар асосида уларнинг одам соғлигига салбий таъсири сабабларини уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчидан, наноэроллarning ўзи зарarli. Масалан, бериллий оксидининг ультрадисперс наноэроллари, бериллий металл ва унинг бирикмалари наноэроллари билан нафас олинганда ўпка касали — бериллиоз пайдо бўлади ва у ўлимга олиб келиши мумкин. Иккинчидан, организмга кирган баъзи наноэроллarning зарarli бўлса ҳам, захарли







**O'ZBEKISTON  
SAVDO-SANOAT  
PALATASI**

— Тадбиркорлик фаолиятингизни ривожлантир-моқчимисиз?

— Хорижий ҳамкорлар билан алоқа ўрнатмоқчимисиз?

— Унда ҳеч иккиланмай Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ёки унинг ҳудудий бошқармалари, туманлар Ахборот-маслаҳат марказларига мурожаат қилсангиз кифоя. Мутахассисларимиз Палата аъзолари учун яратилган имкониятлардан хабардор қилади ва бузилган ҳуқуқларингизни ҳимоя қилишда кўмаклашади.

Палатага ташриф буюринг.

Телефонлар: (+99871) 150-60-06, 150-60-02, (03)  
веб. сайт: www.chamber.uz



**O'ZBEKISTON  
SAVDO-SANOAT  
PALATASI**

SMS — ТЎЛОВ хизмат тури — банк онлайн пластик карточкалари орқали жойингиздан туриб барча тўловларни амалга ошириш имкониятини беради.

— Сиз ўз банкингизга паспорт ва уяли телефонингиз билан бир мартаба ташриф буюрсангиз кифоя.

Банкда Сизни тизимга киритиб, электрон имзо берилади. Шундан сўнг уяли телефонингиз ёки интернет воситаси орқали коммунал, солиқ, телефон, интернет ва бошқа хизматлар учун тўловларни амалга оширишингиз мумкин.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси мутахассислари Сизга батафсил маълумот беришдан мамнундир.

Телефонларимиз: (+998 71) 150-60-06, (+998 71) 233-24-01.

www.chamber.uz www.smst.uz www.businessinfo.uz  
сайтлардан зарур маълумотларни юклаб олишингиз мумкин.  
E-mail: callcenter@chamber.uz, support@smst.uz

**ҚАЙТА ТАНЛОВДА ИШТИРОК  
ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА**

**Қайта танлов номи:** Махсус мактаб ва мактаб-интернатлар учун дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни нашр этиш.

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.  
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мазкур қайта танловда қатнашишга ҳақли бўлган корхона ва ташкилотларни махсус мактаб ва мактаб-интернатлар учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш бўйича танловга таклиф этади.

**Молиялаштириш:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Қайта Танлов "Бир босқичли — бир конвертли" рақобат таклифларини танлаш тартиби асосида ўтказилади.

Қайта Танловда давлат реестрида рўйхатга олинганга олти ой муддатдан кам бўлмаган, қайта ташкил этиш (бўлиш, қўшиш ва ҳоказо), тугатиш ёки банкротлик ҳолатида бўлмаган, мажбурий солиқлар бўйича бюджет олдида қарзи бўлмаган, суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида турмаган, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни нашр этиш билан шуғулланиш учун рухсатнома(лицензия)га эга бўлган ҳамда илгари вазирлик билан тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни лозим даражада бажара олган корхоналар қатнашиш ҳуқуқига эга.

**Махсус мактаб, мактаб-интернатлар учун чоп этиладиган дарсликлар рўйхати**

Т/р	Дарсликлар номи	Синфи	Таълим тили	Йўналиши	Адади	Максимал нархи
1.	Она тили	4- синф	ўзбек	ёрдамчи мактаб учун	1 317	7 500
2.	Ўқиш китоби	4- синф	ўзбек	ёрдамчи мактаб учун	1 367	12 233
3.	Математика	4- синф	ўзбек	ёрдамчи мактаб учун	1 332	7 850
4.	Тўғри талаффузга ўргатиш ва нутқ ўстириш	4-синф	ўзбек	ёрдамчи мактаб учун	1 317	15 148
5.	Она тили	5- синф	ўзбек	ёрдамчи мактаб учун	1 253	8 500
6.	Ўқиш китоби	5- синф	ўзбек	ёрдамчи мактаб учун	1 253	7 850
7.	Алифбе	1- синф	ўзбек	Қар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатлари учун	507	21 465
8.	Атрофимиздаги олам	1- синф	ўзбек	Қар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатлари учун	507	18 860
9.	Нутқ ўстириш	2- синф	ўзбек	Қар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатлари учун	483	27 600
10.	Нутқ ўстириш иш дафтари	2- синф	ўзбек	Қар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатлари учун	483	23 500

Танлов ҳужжатларини талабгорлар Республика таълим маркази махсус таълим бўлимидан олишлари мумкин.

Танловда қатнашиш истигини билдирган корхона ва ташкилотлар 2013 йил 25 мартдан бошлаб ҳар кун (шанба ва яқшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10.00дан 17.00гача танловга тегишли қўшимча маълумотларни Республика таълим маркази махсус таълим бўлимидан олишлари мумкин.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 174-уй, Махсус таълим бўлими, телефон (+998 71) 245-58-64, 227-04-12.**

**Барча таклифлар 2013 йил 11 апрель кuni соат 14.00 га қадар юқорида келтирилган манзилга топширилиши шарт. Танлов таклифлари Республика таълим марказида 2013 йил 11 апрель кuni соат 15.00да барча қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади.**

**ЯНГИ НАШР БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА  
ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА**

**Тендер тартиб рақами:** 1-MRT — ЯН-2013.

**Тендер номи:** Дарслик ва ўқув қўлланмаларни янги нашр этиш юзасидан тендер савдолари.

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

**Манзил:** Тошкент шаҳри, 100159, Мустақиллик майдони, 5-уй.

**Молиялаштириш:** Давлат бюджети ва Республика мақсадли китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Мазкур тендер савдоларига дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни нашр этиш учун нашриётлар таклиф этилади.

Тендер савдоларида янги ташкил этиш (бўлиш, қўшиш ва ҳоказо), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлмаган, давлат реестрида рўйхатга олинганга олти ой муддатдан кам бўлмаган, шартномаларни бажармагани учун судга тортилган, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган ҳамда илгари вазирлик билан тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни тула бажара олган нашриётлар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Қатнашич буюртмачига шартномани бажариш имконияти ва малакаси борлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши ва мазкур ҳужжатлар тендер ҳужжатининг иккинчи бобида келтирилган талабларга тўлиқ жавоб бериши лозим.

Янги нашр этиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ҳамда уларнинг адади куйидаги ҳадвалда берилган:

Лот рақами	Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар номи	Таълим тили	Ёзуви	Адади
<b>6-синф</b>				
1	Ўзбек тили	рус	кирилл	53 034
		қорақалпоқ	лотин	10 256
		қозоқ	кирилл	6 024
		тожик	кирилл	7 909
		қирғиз	кирилл	850
		туркман	лотин	911
<b>7-синф</b>				
2	Ўзбек тили	рус	кирилл	47 622
		қорақалпоқ	лотин	10 046
		қозоқ	кирилл	5 589
		тожик	кирилл	7 929
		қирғиз	кирилл	876
		туркман	кирилл	911

Мазкур дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг бошланғич қиймати тўғрисидаги маълумотлар талабгорларга Тендер ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Тендер ҳужжатларини олиш учун талабгорлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг махсус № 23 402 000 300 100 001 010 (ХККМ Марказий банк Бош бошқармаси МФО: 00014, ИНН: 201 122 919 ш/хр 401 410 860 262 667 950 100 075 001 ИНН: 201 122 808 ОКОНХ 97300) ҳисоб рақамига 250 000 (икки юз эллик минг) сўм ўтказганини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишлари шарт. Тўлов юқоридаги ҳисоб рақамига тўғридан-тўғри пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Тендер ҳужжатларини олиш учун қатнашчилар томонидан тўланган тўлов қайтарилмайди.

Тендер савдоларида қатнашиш истигини билдирган ва Тендер ҳужжатларини харид этган корхона ва ташкилотлар **2013 йил 25 мартдан** бошлаб ҳар кун (шанба ва яқшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10:00 дан 17:00 гача тендер савдолари тегишли қўшимча маълумотларни Тендер комиссиясининг ишчи органи Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги "Дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш" бўлимидан (Манзил: 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 319-хона, телефон (+99871) 239-40-83, факс (+99871) 239-40-81) олишлари мумкин.

Тендер ҳужжатлари асосида талаб этиладиган барча ҳужжатлар таклифининг умумий қийматининг бир фоизидан кам бўлмаган закалат суммаси (закалат сумма Халқ таълими вазирлигининг қуйидаги махсус х/р 23 402 000 300 100 001 010, ХККМ Марказий банк Бош бошқармаси, МФО: 00014, ИНН: 201 122 919, ш/хр 401 410 860 262 667 950 100 075 002, ИНН: 201 122 808 ОКОНХ 97300) ҳисоб рақамига ўтказилиши шарт) билан бирга 2013 йилнинг 23 апрель кuni соат 14:00га қадар Республика таълим марказига топширилиши шарт. Шу вақтдан кейин таклифлар қабул қилинмайди. Тендер таклифлари 2013 йил 23 апрель кuni соат 15:00да Республика таълим марказида (Манзил: Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 174-уй) барча қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади.

Тендер комиссияси Тендер ҳужжатининг 1 боб 6-бандида белгиланган тартибда Тендер ҳужжатларига қўшимчалар киритиш орқали таклифлар топширишининг охири мuddатини уяйтириши мумкин. Шундай ҳолатда барча қатнашчиларнинг ҳуқуқлари ўзгарган мuddатга мутаносиб равишда ўзгаради.

Буюртмачи қатнашчилар томонидан тендер таклифини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган харажатларга жавобгар эмас.

# КЎКЛАМ БЕРГАН БЕЛГИЛАР

**«Беш кўнок» ёмғирли бўлса йил яхши келади.**  
(Беш кўнок — апрелнинг дастлабки беш кунли.)  
Илк баҳор серёғин келса, ҳосил мўл бўлади.)

Агар Ҳулкар юлдузи кўринмайдиган бўлиб қол-  
гандан сўнг кўп ёмғир ёгса, йил баракали бўлади.

Ёмғир ёғиши олдидан туз нам тортиб қолади.

Турналар барвақт учиб келса, баҳор эрта бош-  
ланади. Борди-ю турналар кузда баланд учса, куз  
узқоқ вақт давом этади.

Бойқуш қичқирса, ёмғир ёғади.

Турналар ўйин тушса, кун исийди, улар қичқир-  
са, ёмғир ёғади.

Зағчалар тўда-тўда бўлиб учаверса, осмондан  
ёмғир қутаверинг.

Мол сувни кам ичиб, кундузи мудрай бошласа,  
тез орада ёғингарчилик бўлади.

От хирилласа ҳаво айнийди, пишқирса иссиқ  
бўлади, бошини силкитиб юқорига қараб чўзса —  
бу ёмғирдан далолатдир.

Итнинг ўз-ўзидан айланиши — ёмғир ва қордан,  
ғужанак бўлиб ётиши — совуқдан, чўзилиб ётиб,  
тилини осилтира бошлаши — иссиқдан дарак бе-  
ради.

Қора чигиртка чирилласа, ҳаво очиқ бўлади.

Қора булутлар пайдо бўлганда асаларилар уяси-  
га кирмаса, ёмғир ёғмай ҳаво очилиб кетади. Эр-  
талаб асаларилар далада учиб юрмасдан уясида  
қолиб ғувишласа, албатта, ёмғир ёғади.

Агар дарахт барглари шамол тўфайли уст то-  
мони настга айланиб қолса, ёмғир ёғиши турган  
гап.

Қоқиқўт кўзининг юмилиши — ёмғир аломати.

Печакўт гули ҳам ёмғирдан аввал кўзини юмиб  
олади.

Кечга бориб осмонни катта-катта булутлар  
тўдаси қопласа, эртаси кун ҳаво яхши бўлишидан  
далолат беради.

Қора булутлар настлаб тез сузиб юрса, демак,  
бу — узқоқ давом этадиган ёмғирдан нишона.

Эрталаб кўп шудринг тушса, ҳаво яхши бўлади.

Ўргимчакнинг ин қура бошлаши — ҳаво очилиб  
кетишидан, инининг ўртасида қимирламай тури-  
ши — ёмғирдан дарак беради.

Моллар кечки пайт далада иштаҳа билан ўт  
еса, эртасига ҳаво айниши мумкин.

Кўёш ботгач, кўршапаакларнинг тинмай учи-  
ши — ҳаво очиқ бўлишидан дарак беради.

Илгарилари эли-юрти омонда, Шахрисабз де-  
ган томонда Қулчуммоқ деган бир ҳисобдон киши ўтган экан. Экин-тикин-  
ларни қай вақтда экиш, чорва молларини яйлов-  
га олиб чиқиш муддати, йиллик ёғин-сочин миқ-  
дори ва тартиби, фасл ва ойларнинг ҳисоб-китоби-  
ни қилиб юрар экан. Илк кўклам кунларининг би-  
рида у ҳамқишлоқларига қараб:

— Мана энди хут ҳам

эмас. Айтган гапи доим тўғри чиқади, — деб эътироз билдирибдилар.

Бек оқсоқолларига жажл қилиб, Қулчуммоқ айтган Қалтаминорнинг ёнига беш-ўнта пойлоқчи қўйдириб, лайлак келишини пойлаб туриш-  
ни буюрибди. Бекнинг одамлари туну кун ми-  
жжа қоқмай кўкка тикилиб ўтирибдилар, мабодо лайлак келиб минора-  
нинг тепасига кўнса, кўплашиб, ҳай-ҳайлашиб

кеча саройининг устига келиб кўнди деб. Бек Қулчуммоқнинг уйига одам юбортириб:

— Бориб айтинглар, лайлак ҳисобдон айтган мuddатдан бир кун аввал саройга келиб кўнди. Агар ишонмаса, ўзи келиб кўрсин! — деб та-  
йинлабди.

Бу хабарни эшитган Қулчуммоқ чопарларга қараб:

— Бориб бекка айтинг-  
ларки, агар лайлак уяга



## ЛАЙЛАК — НАВРЎЗ ЭЛЧИСИ

### Afsona

адо бўлиб қолди, баҳор ҳам келди. Энди фалон кунли лайлак келади. Ҳисобдоннинг тепасидаги Қалтаминор деган жойга кўнади. Бу кўннинг келиши — хутнинг жўнашиб кетишидан нишонадир. У бир донга тухум қўйганидан кейин Йилбоши — Наврўз бўлади, — дебди.

Бу гап Шахрисабз бегининг қулоғига бориб етибди. «Қулчуммоқ худомидики, қайси кун лайлак келишию, Наврўз қачон келишини айтиб берса. Боз устига ҳар йили лайлак келса, аввал менинг саройимга кўнар эди. Бу йил ҳам, иншоолло, шундай бўлмай, бу сафар ҳисобдондан янглишибди!» — дебди. Шунда оқсоқоллар:

— Бегим, Қулчуммоқ жуда билигч одам, у ҳеч вақт ҳисобидан адашган

хуркитамиз, эл-эллашиб саройга қараб учирамиз деб. Бир кун тонгга яқин Қалтаминорнинг тепасига бир нима энгандай бўлибди. Пойлоқчилар бундай син солиб қарасаларки, миноранинг устига лайлак кўнибди! Шу пайт улар ҳар қайси бир томондан югуришиб, ҳай-ҳайлашиб, шовқин солиб, қувишиб, лайлак бечорани дам олгани ҳам қўймай хуркитиб, сарой томонга қараб ҳайдаб юборибдилар. Лайлак ҳам миноранинг устида бир-икки давра айланиб, қўнишининг иложини қилолмай, ноилож саройга қараб учибди.

Эртасига овоза тарқабдики, ҳисобдон адашган экан, лайлак кунли

тўшини бериб ётган бўлса, уни Қалтаминорга кўнишга қўймай, ҳайдаб келишган бўлади. Мабодо оёғида тикка турган бўлса, менинг енгилганим, — дебди.

Мулозимлар бу гапни бекка билдирибдилар. Бек оқсоқолларнинг олдида уялиб, саройга одам юбортирибди. Бориб кўришсаки, лайлак шўрлик уча-уча чарчаган эмасми, уяга бағрини бериб, пусиб ётган эмиш. Узқоқ жойдан учиб келаятганда бироз дам олиш учун Қалтаминорга кўнганда пойлоқчилар хуркитиб, учуриб юборишган экан-да! Шунда бек изза бўлиб қолган экан.

Наврўз арафасида бек катта зифат берибди. Қулчуммоқни ҳам шу

зифатга айтиб келибди-  
лар. Гапдан гап чиқиб,  
Йилбоши қачон келиши хусусида тортишиб қолибдилар. Шунда бек:

— Янги йил дегани бундоқ кўриниб келмаса, қачон киришини сиз билан биз қандай билайлик?! — дебди.

Қулчуммоқ бир қўлига тош, бир қўлига пичоқ олибди-да, бироз кутиб турибди. Бир zumдан сўнг пичоқ билан тошни кесган экан, худди сариёғни кесгандай кесиб қўйибди. Буни кўриб ажабланган давра аҳли тошни олиб харчанд уринмасинлар, ундан ақалли бир ушқоқчам ушатолмабдилар.

Шунда ҳисобдон:  
— Ана шу тош сариёғдай эриган пайтда Янги йил кирган эди, — дебди.

## БУ БАҲОР, БУ БАҲОР ҚАЙТИБ КЕЛМАЙДИ!

Бундан буёғига бодомлар бедор,  
Бундан буёғига бутқолар бежо.  
Балоғат бўйлаган боғларда баҳор,  
Бунчалар беқийёс, бунчалар барно!

Кела қол, новдалар қўймасин гуллаб,  
Яшнамоқ фаслини ўзинг бошлаб бер.  
Қаламинг тафтидан ёнсин ловуллаб,  
Интизор йўлларга нигоҳ ташлаб бер.

Бежиз лаб очишга ошиқма бир дам,  
Ҳали маврид келмас хайру хўшларга.  
Гулларга сабоқ бер вафо илмидан,  
Муҳаббат қўшигин ўргат қушларга.

Бўйларинг атрига гунчалар хумор,  
Нафасингни сезиб тонлар жилмайди.  
Оний табассуминг каби бетакрор  
Бу баҳор, бу баҳор қайтиб келмайди!

Кўзларим қаърига кўмилар олам,  
Дилни даста-даста ашвор қилган — Сен.  
Сен каби яшнашни билмайди кўклам,  
Кел энди, баҳорни баҳор қилган — Сен.

### КЕЛДИ НАВРЎЗ — НАВБАҲОР

Келди наврўз — навбаҳор,  
Очилди гул-лолазор.  
Ҳар шохида булбуллар,  
Нола қилар зор-зор.

Зардолзор боққа кирсам,  
Қизгалдоқлар очилибди.  
Боққа кирган қиз-жувонлар,  
Наврўзгулдек сочилибди.

Наврўзигул ранго-ранг,  
Рангин баҳоримга салом.  
Ўнг кўзимнинг гавҳари,  
Гули баҳоримга салом.

Ўшанда ҳам навбаҳор эди —  
Борлиқ зангор, дунё навқирон.  
Куртакларга гапим бор эди,  
Юрак тилга кирганда бийрон.

Яна ўрик шохлари сархуш,  
Гулоб тутар нимпушти, оппоқ,  
Кеча эди эғнида қумуш,  
Буғун зумрад тўн киймиш чорбоғ.

Бутқолардан мўралар умид,  
Камол ваъда этар гунчалар.  
Нимагадир бўлгандай шохид,  
Шаббода бир соҳир куй чалар.

Сочларини сувга таратиб  
Ўлтирибди мажнунтол шайдо.  
Ўз-ўзидан чирой яратиб  
Борган сари табиат зебо.

Кўкда рангин ҳислар жамулжам,  
Жилвасидан қамашади кўз.  
Пучмоқдаги сўнги қорни ҳам  
Эритади ҳадемай Наврўз!

Беҳзод ФАЗЛИДДИН

### НАВРЎЗ ОЛҚИШИ

Эски йил кетди,  
Янги йил келди.  
Дошқозонлар тизилсин,  
Сумалақлар сузилсин.  
Бугдойлар пишиб, чош бўлсин,  
Еганимиз ош бўлсин,  
Элу юртимиз бог бўлсин,  
Ризқу рўзимиз тоғ бўлсин.

(«Наврўз» тўпламидан.)



# КЎҲНА ШАҲАРДА УНИВЕРСИАДА ШУКУҲИ

## у барчани янгиланиш ва яратилганга ундамоқда

Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган уч босқичли спорт ўйинлари орасида Универсиаданинг мурасасизлик босқичида алоҳида ўрни бор. Чунки шакл бора «Ушбу низоҳлари» спорт мусобақаларида товланган мактаб ўқувчилари «Баркамол авлод» баҳсларида иродаси ва матонатини шакллантиради. Универсиада эса, минтақан ёндашилганда, халқимиз орзу қилган соғлом ва баркамол авлод тимсолига айланган спортчиларни саралайдиган, кашф этадиган мусобақа. Шу босқич халқроқ доираларда ҳам мазкур спорт ўйинларининг Олимпия ҳаракати тамойилларига тўлиқ мос келиши тан олинмоқда.

Навбатдаги Универсиадада жорий йил Бухоро шаҳри мезбонлик қилишидан хабарингиз бор, албатта. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 июндаги «Ўқувчи ва талаба ёшлари спортга жалб қилишга қаратилган улуғсиз республика спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига кўра ўтказилаётган ўзбекистонлик талаба-ёшларнинг ўзига ҳос олимпиядасини халқимиз интиқлик билан кутмоқда.

Айниқса, Бухоро шаҳрида амалга оширилаётган кўчалар мазорлаштириш, ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари маҳаллий аҳоли кўнглидаги азалий яшариш ва яратилган иштиёқини оширмоқда.

Универсиада спорт ўйинларини сифатли ташкил этиши бўйича Ташкилий кўмита томонидан тегиш-

бий ҳамда 200 нафари ҳакамлардан иборат.

Бугунги тезкор даврда фан-техника имкониятлари сингари ижтимоий соҳаларда ҳам тезкор ўзгаришлар кузатишмоқда. Айтмоқчимизки, бугун юрtdошларимизни навбатдаги Универсиада ўйинларида қандай янгилик ёки ўзгаришлар бўлиши қизиқтиради. Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига мурожаат этдик. Вазирлик матбуот хизматининг маълум қилишича, бу галги Универси-

тимизда спортга бўлган қизиқиш, иштиёқнинг ортиб бораётгани, натижада бир-бирдан қолишмайдиغان, назарий ва амалий тажрибага эга полвонлар авлодининг шаклланаётганидан дарак беради. Аслини олганда, бундай йирик тадбирда иштирок этиб, ўз салоҳиятини, иқтидорини синови ёшларимиз сони қанча кўп бўлса, шунча соз. Бинобарин, Универсиада талаба ёшлар учун том маънода юксалиш майдони, рағбат пиллапоиси бўлиб хизмат қилишдан ташқари, ўзаро дўстлик алоқаларини боғлаш, буюқ мақсад атрофида илҳомлашиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш учун ҳам қўлай фурсатдир.

Ишонимизки, тарихан буюқ аждодлар бешигини тебратган ва ўз бағрида муқаддас қадамжоларни сақлаётган қадимий ва навқирон Бухорода ҳам ўнлаб юксал салоҳиятли ёшларнинг истеъдоди, тажрибали мураббийларнинг заҳмату машаққати юзага чиқди. Айнан мазкур спортчилар келгусида ватанимиз шарафини халқроқ майдонларда муносиб ҳимоя қилувчи улкан тўлкинга айланишиди.

Зоҳиджон ХОЛОВ

Республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида барно этилган зарур қўлайликларга эга спорт иншоотларида мавжуд тўғарақлар ва секциялар баркамол авлод вакиллариининг энг сеvimли масканига айланиб улгурган. Улар машгулотларда фаол қатнашмоқда.

Ана шундай тўғарақлар, спорт секцияларида ўз маҳоратини ошириб, соғлом авлод сафини тўлдирётган ёшлар Фарғонада ҳам, шубҳасиз, жуда кўп. Наврўз байрамига бағишлаб вилоятдаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари жамоалари ўртасида мусобақа ташкил этилди.

## Bolalar sporti

# БАЙРАМ МУСОБАҚАЛАРИ

Жумладан, Марғилон шаҳридаги 29-умумий ўрта таълим мактабида 7-синф ўқувчилари (ўғил ва қиз болалар) ўртасида волейбол бўйича худудий мусобақа ўтказилди. Унда Марғилон, Фарғона шаҳарлари ҳамда Бағдод туманидаги БУСМ ўқувчилари ўзаро куч синашди. Яқунда мезбонлар жамоаси бош совринга эга бўлди. 2-ўрин фарғоналикларга, 3-ўрин эса бағдодликларга nasib этди.

— Марғилон шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоасининг мазкур турнирга жиддий тайёргарлик кўргани таълим муассасасида ишлар ҳар жиҳатдан тўғри йўлга қўйилганини билдиради. — деди вилоят халқ таълими бошқармаси мутахассиси Нурбек Мусаев. — Мазкур марғилонлик мураббий Файратжон Қурбоновнинг саъй-ҳаракатлари бизда ижобий таассурот қолдирди. Унинг шогирдлари майдонда галаба қозониш билан бирга, ўзаро ҳурмат ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга интилишди.

Б.ШОКИРОВ

Фарғона вилояти

## ТУШКУНЛИККА ЧОРА ТОПИЛАДИ

Маълумки, тушкунликка қарши кенг қўлланилувчи дори воситалар миқдори кўпайиб кетганда, кишига ижобий таъсир кўрсатади. Бирок, бундай воситалар ҳар доим ҳам қўлдан самарани беравермайди.

Узоқ вақт дориларнинг депрессияга қарши муваффақиятсиз таъсир кўрсатиши сабаблари номаълумлигича қолганда. Шу босқич олимлар томонидан серотонин миқдорини оширувчи янги воситаларни яратиш устида излаш ишлари олиб борилди. Бирок Мэриленд университетининг тиббиёт факультети шифокорлари депрессияга қарши курашиш фақат серотонин миқдорида боғлиқ эмаслигини исботлашди. Маълум бўлишича, кучли тушкунлик вақтида серотонин етарли миқдорда бўлган тақдирда ҳам нейронлар асаб импульсларини яхши ўтказолмайди.



Тадқиқотчилар гуруҳига раҳбарлик қилган Скотт Томпсоннинг таъкидлашича, серотонин нафақат хужайрадан хужайрага импульсларни ўтказишга, балки асаб хужайраларининг улашиш жойи — синапсларнинг мустаҳкамлигига ҳам масъул. Улар нейронларга қийинчиликсиз ўзаро алоқага киришиш имконини яратди.

Мазкур янгиликни амалда синаб кўриш учун олимлар жониворлар устида бир қатор тажрибалар ўтказиб кўришди. Мутахассислар бири депрессия ҳолатида бўлган икки жонивор миясини ўзаро солиштиришди. Уларнинг қонида серотонин миқдори деярли бир хил эди. Тушкунлик ва саросима вақтида ҳар икки жонивор нейронларида серотонинга нисбатан турлича таъсирчанлик кузатилди. Депрессияга тушган каламус қонига юборилган дори воситалари аввалига ҳеч қандай ижобий таъсир кўрсатмади. Фақат синапслар фаолияти тўғри йўлга қўйилгандан кейингина улар ўз кучини кўрсатди.

Эндликда олимлар тушкунликка қарши дори воситаларини ишлаб чиқаришда серотонин билан бир қаторда синапслар ҳаракатини мувофиқлаштириш йўллари ҳам изламоқда. Шундагина депрессияга қарши дори воситаларининг самарадорлиги кескин ошиши кутилмоқда.



## ҲАЛОКАТДАН АСРАГАН ҚАНОТЛАР

Табиятда инсон омилнинг ортиб бораётгани жониворларнинг мослашувчанлигини оширмоқда. Тал ва Небраска университетлари (АҚШ) олимлари Чарльз Браун ва Мэри Бамбергер томонидан америка тоғ қалдирғочларнинг антропоген омилларга мослашиш қузатилиб шундай қарорга келинди. Орнитологлар биринчи навбатда қушларнинг ижтимоий тузилишига эътибор қаратишди. Қалдирғочларнинг ушбу тури 12 мингдан зиёд қушлардан иборат катта тўдаларни ташкил этиб, бутун бошли қоялар, кўприк ва симёғочларни эгаллаб олишлари мумкин.

Улар симёғочларни эгаллаш жараёнида одатда автотрассаларда учиб-қунишга мажбур бўлишади. Бу эса уларнинг автомобил оёқлари остида кўплаб нобуд бўлишларига олиб келиши табиий. Олимлар 30 йил давомида шу тарзда нобуд бўлган қушлар сонини таҳлил қилиб чиқишди.



Тадқиқотчиларнинг «Current Biology» журналида маълум қилишича, бундай тўқнашувларда қанотлари нисбатан узунроқ бўлган қалдирғочлар кўпроқ нобуд бўлган ва уларнинг сони кескин камайиб кетган. Улар ўрнини эса калта қанотли қалдирғочлар эгаллаган. Калта қанотлар қушларга 90 даражага чад кескин қайрилиш, турли мураккаб ҳаракатларни амалга ошириш ва янада тезроқ

учиш имконини беради. Шуни таъкидлаш жоник, калта қанотли қалдирғочлар ўзларидан антропоген омилларга тез мослашувчи худди шундай насларни қолдирган. Орнитологлар фикрини бошқа мамлакатларда тўпланган шу каби маълумотлар ҳам тасдиқламоқда. Яқуний хулосага келиш учун эса тажриба муаллифлари қушларнинг касаллик, йирткичларга ем бўлиш сабабларига кўра нобуд бўлиши ҳолатларини ўрганиб чиқмоқда.

Санжар РУСТАМОВ тайёрлади.

## JUMLADA JAHON

Чикаго штати раҳбарияти молиявий муаммолар сабаб 2014 йилдан бошлаб 30 мингдан зиёд ўқувчи таълим олаётган 61та бошланғич мактабни ёпиш орқали ўн йил давомида 560 миллион долларни тежаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Канаданин Эдмонтон шаҳри (Альберт провинцияси) яқинида 100га яқин автомобил иштирокида йирик йўл-транспорт ҳодисаси рўй бериб, 100 нафарга яқин йўловчи ва ҳайдовчи турли даражада жароҳат олган.

Польша пойтахти Варшавадан 400 километр узоқликда жойлашган Европадаги иккинчи йирик «Рудна» мис қонида рўй берган ер ўпирилиши оқибатида тупроқ остида қолиб кетган 17 нафар қончи қутқариб олинди.

«Associated Press» ахборот агентлигининг маълум қилишича, Огайо штатидаги Чардон шаҳрида ўтган йилнинг февраль ойида мактаб ошхонасида ўқотар қурол билан 3 нафар боланин (уларнинг бири 16, икки нафари 17 ёш) умрига зомин бўлган 18 ёшли мактаб ўқувчиси Ти Жей Лэйн умрбод қамқоқ жазосига маҳкум қилинди.

Нигерия жануби-ғарбий қирғоқларидан 75 километр узоқликда бортида 166 нафар йўловчи бўлган кеманин ҳалокатга учраши натижасида 164 кишининг ҳалок бўлгани ҳамда ҳалокат сабаблари ўрганилаётгани ҳақида хабарлар тарқатилди.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ «ЎҚУВ ТАЪЛИМ-ТАЪМИНОТ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

Мамлакатимиз аҳолисини,  
барча ўқитувчи ва  
мураббийларни,  
жонажон Ўзбекистонимизга  
ташриф буюрган  
меҳмонлар ва сайёҳларни  
Наврўз умумхалқ  
байрами билан  
муборакбод этамиз!  
Ушбу айёмда  
меҳр-мурувват,  
баерикенглик,  
сахийлик каби  
умуминсоний фазилатлар,  
Шарқ халқларининг  
қадимий анъаналари,  
урф-одатлари уйеунлашган.  
Барчага наврўзий хушчақчақлик,  
қалбларга гўзаллик, мустақил  
давлатимизни янада гўллаб-яшнатиш  
йўлида зафарлар тилаймиз.



## Ma'rifat

### TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi  
vazirligi, O'zbekiston Oliy  
va o'rta maxsus ta'lim  
vazirligi, O'zbekiston  
Ta'lim, fan va  
madaniyat xodimlari  
kasaba uyushmasi  
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:  
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin  
ARIPJANOV, Jumanazar BEK-  
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,  
Farrux JABBOROV (bosh muharrir-  
ning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor  
YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda  
MURZAYEVA, Husan NISHONOV  
(bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan  
USMONOV (bosh muharrir  
o'rinbosari, "Учитель Узбекиста-  
на"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul  
kotib, "Учитель Узбекистана"),  
Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta  
O'zbekiston Matbuot va axborot  
agentligida № 0067 raqam bilan  
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



9 772010 641009

INDEKS: 149, 150. Г-318.

Tiraji 65148.

Hajmi 4 bosma taboq.  
Ofset usulida bosilgan,  
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish  
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.  
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiz  
qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy  
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-  
53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kash-lunar ta'limi  
yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat,  
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-  
54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari  
bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport  
yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing  
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda  
erkin narxda

Dizaynerlar:  
Malohat TOSHOVA,  
Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir:  
G'olib BAHRIMOV,  
Navbatchi:  
Jo'rabek JANGIROV.

«Sharq» nashriyot-matbaa  
aksionerlik kompaniyasi  
bosmaxonasi.

Korxonada manzili:  
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

ЎЗА яқуни — 20.50  
Топшириди — 21.15